

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

**Мавзу: ШАХС ХАЁЛИНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ
ВА ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИНИ
ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ**

Битирувчи:

Илмий раҳбар:

Худойбердиева Ж.

Шарафутдинова Х.

Термиз-2013

Мавзу: ШАХС ХАЁЛИНИНГ ИМКОНияТЛАРИ ВА ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ

КИРИШ.

1-БОБ. БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ШАХС ХАЁЛИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

- 1.1. Билиш жараёнлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.**
- 1.2. Хаёл жараёни ва хаёлнинг психологик тавсифи**
- 1.3. Шахс хаёлининг индивидуал хусусиятлари ва имкониятлари.**

2-БОБ. Ўқувчиларининг хаёл хусусиятлари диагностикаси ва психокоррекцияси муаммолари.

- 2.1. Ўқувчиларининг хаёл хусусиятларини диагностика қилиш усули.**
- 2.2. Ўқувчиларининг тафаккур хусусиятлари диагностикаси.**
- 2.3. Ўқувчиларни хаёли ва тафаккурини ривожлантиришнинг
психологик воситаларини қўллаш**

Хулоса ва тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Илова

Кириш

*Дадил айтиш мумкинки, Коперник ҳам,
Ньютон ҳам фанда эришган ютуқларини
хаёлсиз сира қўлга киритмаган бўлар эди.*

Н.И.Пирогов

Мавзунинг долзарблиги.

Битирув малакавий ишининг предмети. Таълим-тарбия жараёнида шахс хаёлининг имкониятлари ва индивидуал хусусиятларини диагностика қилиш ва тарбиялашнинг психологик хусусиятларини тадқиқ этиш

Битирув малакавий ишининг мақсади. Ушбу тадқиқот ишининг мақсади, таълим-тарбия жараёнида шахс хаёлининг имкониятлари ва индивидуал хусусиятларини диагностика қилиш ва тарбиялашнинг психологик хусусиятларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишдан иборат

Битирув малакавий ишининг илмий фарази.

1. Мазкур битирув малакавий иш психологиянинг диагностик методларини психологик амалиётга жорий этишда мавжуд муаммоларни ҳал этишга хизмат қилиши мумкин.

2. Шахс хаёлининг имкониятлари ва индивидуал хусусиятларини билиш ёшларнинг иқтидори ва ижодий фикрлашини шакллантиришга яхши самара бериши эҳтимоли мавжуд.

Битирув малакавий ишининг вазифалари. Тадқиқот ишининг мақсадига эришиш ва илгари сурилган илмий фаразни асослаш мақсадида ишни тизимли амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- тадқиқот мавзусига оид адабиётларни таҳлилни амалга ошириш;
- тадқиқот методикаларини танлаш ва асослаш;
- шахс хаёлининг психологик хусусиятлари ва ижтимоий психологик-ахамиятини ёритиб бериш;
- ўқувчи ва талабаларнинг хаёл хусусиятларини диагностика қилиш;
- ўқувчи ва талабаларнинг хаёл хусусиятларини тарбиялаш ва ривожлантириш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишда қўлланилган методикалар.

1. Кузатиш методи ёрдамида тажриба гуруҳидаги ўқувчилардаларда хаёл хусусиятларининг намоён бўлиши тўғрисида маълумот тўплаш.

2.“Хаёл хусусиятларини аниқлаш усули” ёрдамида тажриба гуруҳидагиларнинг хаёл хусусиятларини аниқлаш

3. Дж.Равен интеллект тести орқали ўқувчиларнинг тафаккури ривожланганлик даражасини аниқлаш

4. Статистик методлар ёрдамида тадқиқот кўрсаткичларини баҳолаш

5.Психокоррекция методлари ёрдамида ўқувчилар хаёлини ривожлантириш тренингини ишлаб чиқиш

Битирув малакавий ишининг янгилиги.

Шахс хаёлининг имкониятлари ва индивидуал хусусиятлари диагностикаси ва психокоррекцияси хусусиятлари биринчи марта битирув малакавий иш даражасида ўрганилди. Шунингдек Дж.Равен интеллект тестинатижалари билан хаёл кўрсаткичлари қиёсий ўрганилди ва ўқувчилар ўаёлини коррекциялаш тренинг дастури яратилди.

Битирув малакавий ишининг назарий аҳамияти.

Тадқиқот ишида шахс хаёлининг имкониятлари ва индивидуал хусусиятлари диагностикаси ва психокоррекцияси хусусиятлари муаммосининг назарий таҳлилида келтирилган ижтимоий-психологик фикрлар юзасидан тўпланган материаллар умумий психология, дифференциал психология, психодиагностика, психокоррекция, амалий психология соҳаларини назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Ишда қўлланилган диагностик методикалар ва яратилган тренинг машқлари тизими амалий психологларнинг шахс хаёлининг имкониятлари ва индивидуал хусусиятлари диагностикаси ва психокоррекцияси шакллантириш бўйича фаолиятларига татбиқ этилиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши.

Ушбу битирув малакавий иши кириш, икки боб олти параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда илова қисмлардан тузилган.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ишнинг мақсади, илгари сурилган илмий фараз, вазифалари, тадқиқотда қўлланилган методикалар, янгилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти ҳақида қисқачи маълумотлар берилган.

I-БОБ. БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ШАХС ХАЁЛИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

I.1. Билиш жараёнлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари


Психик акс эттиришнинг инсон ҳаётида муҳим роль ўйновчи жиҳати унинг билиш фаолиятидан иборат. Билиш фаолиятини таъминловчи психик функциялар билиш жараёнлари ҳисобланади. Билиш жараёнлари инсон томонидан воқеъликни билишни таъминловчи, атроф муҳит, жамият, инсонлар ва ўзини билиш имкониятини берувчи жараёнлардир.



Диққат бамисоли билиш (идрок, хотира, тафаккур) жараёнлари орасида намоён бўлиб, улар самарадорлигининг ошишига ёрдам беради. Жумладан, идрокнинг аниқ-равшанлиги ва тўлақонлиги диққатга боғлиқ, диққатнинг сусайиши перцептив жараёнларнинг бирмунча даражада бўзилишига ва шаклланаётган сиймонинг ўзгариб кетишига олиб бориши мумкин.

ДИҚҚАТНИНГ ТУРЛАРИ		
Ихтиёрий диққат	Ихтиёрсиз диққат	Ихтиёрийдан кейинги диққат
Ихтиёрий диққат онгли равишда маълум мақсад асосида воқеа ҳодисага нисбатан диққатни йўналтиришда ифодаланади. Ихтиёрий диққат кишидан иродавий зўр беришни талаб этади. Масалан, ихтиёрий диққатга китоб ўқиш учун ихтиёрий диққат зарур.	Ихтиёрсиз диққат эса қўзғатувчининг кучли таъсири асосида юзага келади. Масалан, кучли қўзғатувчилар ҳисобланган баланд овоз, ёрқин нур, бўёқ, кучли ҳид беихтиёр киши диққатини ўзига жалб этади. Шунингдек, кишининг эҳтиёжларига мувофиқ келадиган унинг учун аҳамиятга эга бўлган қўзғатувчилар ихтиёрсиз диққатни қўзғайди.	Агар мақсадга йўналтирилган фаолиятда шахс учун диққатнинг ихтиёрий тўпланганидаги каби фақат фаолият натижаси эмас, балки унинг мазмуни ва жараёнининг ўзи қизиқарли ва аҳамиятли бўлса, бу ихтиёрийдан сўнгги диққат тўғрисида мулоҳаза юритишга асос беради. Бу ҳолда фаолият кишини шу қадар қизиқтириб юборадики, у диққатни объектга қаратиш учун сезиларли иродавий куч-ғайрат сарфламаса ҳам бўлаверади.

Диққатни иродавий куч-ғайратлар ёрдами билан доимо бир маромда сақлаб туриш ўта зўриқишни талаб қилади ва кишини жуда ҳам толиқтириб қўяди. Ўқитиш жараёнида ихтиёрийдан сўнгги диққатнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлиги худди шу ҳолат билан белгиланади. Дадаввал у ихтиёрий диққат сифатида пайдо бўлиши муносабати билан фаолиятнинг, ишга «тортиш» жараёнининг илк босқичларини пухта ташкил этиш шарт. Ихтиёрийдан сўнгги диққатга хос бўлган қизиқиш шахснинг фаоллигига боғлиқдир. Бундай фаолликнинг шаклланиши эса фаолиятда ижодкорлик аломатларининг гавдаланганлигига борлиқ бўлади.



Сезги энг содда билиш (психик) жараён бўлиб, унинг ёрдамида моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим хусусиятлари акс эттирилади. Шунингдек, сезги билишнинг қуйи шакли ҳисобланиб, сезги аъзоларига бевосита таъсир этиб турган таъсиротларни сезги органлари орқали қабул қилади, маълумотларни қайта ишлайди ва таъсиротларга нисбатан жавоб қайтаради. Таъкидлаганимиздек, сезги аъзолари (кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, тери туюш) ахборотларни қабул қилиб олади, саралайди, жамлайди ва миёга етказиб беради. Натижада эса сезги ҳосил бўлади.

Сезгиларнинг классификасияси. Акс эттириш хусусиятига ва ресепторларнинг жойлашган ўрнига қараб сезгилар одатда уч гуруҳга ажратилади:

1. Ташқи муҳитдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг хусусиятларини акс эттирадиган ҳамда тананинг юзасида рецепторлари мавжуд бўлган экстеросептив сезгилар.

2. Тананинг ички аъзоларида ва тўқималарида жойлашган ҳамда ички аъзоларининг ҳолатини акс эттирадиган рецепторларга эга бўлган интросептив сезгилар.

3. Рецепторлари мушакларда ва пайларда ўрнашган проприосептив сезгилар.

СЕЗГИЛАРНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ			
Адаптация (мослашувчан- лик)	Сенсибилизация	Синестезия	Сезгиларнинг ўзаро муносабати
Сезги органларининг кўзгатувчининг кучли таъсирига мослашиши (<i>Масалан, қоронғуликда узоқ вақт бўлиш таъсири остида кўзнинг сезувчанлигининг ортиши.</i>)	Анализаторлар- нинг ўзаро муносабати ва машқ қилиш натijasида сезувчанликнинг ортиши сенсибилизация деб аталади. Масалан, машқ қилиш натijasида музика билан шуғулланадиган болаларда пац, баланд оҳангларни эшитиш	Синестезия деб, бир аналиторнинг кўзғалиши остида бошқа анализаортга хос сезгининг ҳосил бўлишига айтилади. Синестезия сезгиларнинг ҳар хил турларида кузатилади. Товуш кўзгатувчилари таъсир	Анализатор сезувчанлигининг бошқа сезги аъзоларининг кўзғалиши таъсири остида ўзгариши сезгиларнинг ўзаро муносабати дейилади. Масалан, кўриш анализаторларининг сезувчанлиги эшитиш кўзгатувчисининг таъсирида ўзгаради. Шунингдек, кўриш сезувчанлиги баъзи хид кўзгатув

	қобилияти ривожланиб боради.	қилганда кишида кўриш образлари пайдо бўлса, бу кўриш-ешитиш синестезияси ҳисобланади.	чиларининг таъсири билан ҳам ошади.
--	------------------------------------	--	--

Нарсалар ёки ҳодисаларнинг сезги аъзоларига бевосита таъсир қилиш жараёнида киши онгида акс этишига сезгиларнинг тартибга солиши ҳамда нарсалар ва воқеа-ҳодисаларнинг яхлит образларига бирлашуви юз беради.

Идрок нарсаларни умуман, унинг ҳамма хусусиятлари билан биргаликда акс эттиради. Бунда идрок алоҳида сезгилар йиғиндисидан иборат тарзда эмас, балки ҳиссий билишнинг ўзига хос хусусиятлари билан сифат жиҳатидан юқори босқичи сифатида тасаввур қилинади.

Идрокнинг анча муҳим хусусиятлари предметлилик, яхлитлик, структуралилик, барқарорлик ва англанилганликдан иборат.

Идрокнинг предметлилиги объективлаштириш ҳодисаси деб аталмиш ҳодисада, яъни ташқи дунёдан олинган ахборотнинг ўша дунёга мансублигида ифода этади. Бу хилдаги мансублик бўлмаса, идрок кишининг амалий фаолиятида ўзининг мўлжал олдириш ва йўналтиришдан иборат вазифасини бажара олмайди. Идрокнинг предметлилиги туғма хислатга кирмайди. Предметлилик идрокнинг белгиси сифатида ҳатти-ҳаракатни бошқаришда алоҳида рол ўйнайди.

Идрокнинг яна бир хусусияти унинг яхлитлигидир. Сезги аъзоларига таъсир қиладиган нарсанинг айрим хусусиятларини акс эттирадиган сезгилардан фарқли ўлароқ, идрок нарсанинг яхлит образи ҳисобланади. Ўз-

Ўзидан равшанки, бу яхлит образ нарсанинг айрим хусусиятлари ва белгилари ҳақида турли хил сезгилар тарзида олинадиган билимларни умумлаштириш негизида таркиб топади.

Идрокнинг яхлитлиги унинг структуралилиги билан боғлангандир. Идрок маълум даражада бизнинг бир лаҳзалик сезгиларимизга жавоб бермайди ва уларнинг шунчаки оддий йиғиндиси ҳам эмас. Биз ана шу сезгилардан амалда мавҳумлашган ва бирмунча вақт давомида шаклланадиган умумлашган структурани идрок этамиз. Агар киши бирорта куйни тинглаётган бўлса, олдинроқ эшитган оҳанги янгиси эшиттира бошлангандан кейин ҳам унинг қулоғига чалинаётгандай туюлаверади.

Идрокнинг яхлитлиги ва структуралилиги манбалари, бир томондан, акс эттириладиган объектларнинг ўзига хос хусусиятларида ва, иккинчи томондан, инсоннинг аниқ фаолиятида гавдаланади. И.М.Сеченов таъкидлаганидек, идрокнинг яхлитлиги ва структуралилиги анализаторларнинг рефлектор фаолиятининг натижасидир.

Идрок-сезги аъзоларимизга таъсир қилиб турган нарсаларнинг онгда бевосита акс этишидир. Биз нарса ва ҳодисаларни яхлит ҳолича идрок қиламиз, нарсаларнинг айрим хоссаларини эса сезамиз. Масалан, қуёшни биз идрок қиламиз, унинг ёруғини эса сезамиз, оғзимиздаги қандни идрок қиламиз, унинг ширинлигини эса сезамиз.

Кишининг идроки унинг тафаккури билан нарсанинг моҳиятини тушуниб етиши билан чамбарчас боғлиқдир. Нарсани онгли идрок этиш-унга фикран ном бериш, яъни идрок этилган нарсани нарсаларнинг муайян гуруҳига, синфига киритиш, уни сўз воситасида умумлаштириш демакдир. Идрок шунчаки сезги аъзоларига таъсир қиладиган қўзғатувчиларнинг оддий йиғиндиси билан белгиланмайди, балки мавжуд маълумотларни яхшилаб талқин қилиш, изоҳлаб бериш йўллари

Фазони идрок қилиниши кишининг ўзини қуршаб турган муҳитни чамалашининг муқаррар шартларидан бўлиб, унинг ушбу муҳит билан ўзаро биргаликдаги ҳаракатида катта рол ўйнайди. У объектив равишда мавжуд бўлган фазонинг аксини ифода этади ва объектларнинг шакли, ҳажми ва ўзаро биргаликда жойлашуви, улар сатҳи, олислиги ва йўналишларининг идрок этилишини ўз ичига олади.

Вақт ҳам макон сингари материянинг асосий ҳаёт кечириш шаклларида биридир. Вақтнинг идрок қилиниши воқелик ҳодисаларининг объектив равишда давомийлигини, тезлиги ва изчиллигини акс эттириш демакдир. Объектив реалликни акс эттираркан, вақтнинг идрок этилиши кишига ўзини қуршаб турган муҳитдан мўлжал олиш имконини беради.

Ҳаракатнинг идрок қилиниши-объектларнинг фазода эгалланган ҳолати ўзгаришининг акс эттирилишидир. Ҳаракатнинг идрок этилиши ҳаётий муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳаракатни идрок этишда кўриш анализатори асосий рол ўйнайди. Тезлик, тезланиш, ҳаракатнинг йўналиши ҳаркатдаги объектнинг параметри ҳисобланади.

Психиканинг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, индивид ташқи таъсиротларнинг акс эттирилишидан ўзининг кейинги ҳаттиқҳаракатларида доимо фойдаланади. Индивидуал тажриба ортиб бориши ҳисобига ҳулқ-атвор секин-аста мураккаблашди. Агар ташқи дунёнинг мия қобиғида ҳосил бўладиган образлари беиз йўқолиб кетаверса, тажрибанинг шаклланиши мутлақо мумкин бўлмай қолар эди. Бу образлар бир-бири билан ўзаро турли хил алоқалар боғлаган ҳолда муцаҳкамланиб, сақланиб қолади ҳамда ҳаёт ва фаолият талабларига мувофиқ тарзда яна бошқатдан намоён бўлади.

Индивиднинг ўз тажрибасини эсда олиб қолиши, эсда сақлаши ва кейинчалик уни яна эсга тушириши хотира деб аталади.

Онгимиз акс эттирган нарсаларни мустаҳкамлаш, сақлаб қолиш ва кейинчалик тиклашдан иборат бўлган ақлий фаолият хотира дейилади. Хотира бир неча руҳий жараённи ўз ичига олади: эсда олиб қолиш, эсга тушириш, эсда сақлаш ва унитиш.

Биз сезган, идрок қилган нарсалар из қолдирмасдан йўқолиб кетмайди, балки маълум даражада эсда сақланиб қолади ва қулай шароитда ёки керак бўлганда эсимизга тушади. Кунлик тажрибамиз шуни кўрсатади, эсда қолган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам эсимизга тушавермайди, уларнинг бир қисми унутилади. Унутиш ҳам хотирага оид ҳодисадир. Эсда қолган нарса хотира материалини, эсда сақланиб турадиган ва эсга тушириладиган нарса эса хотиранинг мазмунини ташкил қилади.

Хотира шахс психик ҳаётининг энг муҳим, белгиловчи хусусияти ҳисобланади. Хотиранинг роли «ўтмишда юз берган» нарсани акс эттириш билангина чекланиб қолиши мумкин эмас.

Хотира барча психик жараёнларнинг энг муҳим характеристикаси бўлиш билан бирга инсон шахсининг бирлиги ва яхлитлигини таъминлайди.

Хотира фаолияти эсда олиб қолишдан бошланади. Биз ҳамиша бирор нарса ёки ҳодисани идрок қиламиз, бирор нарса ёки ҳодисани эсда олиб қоламиз. Эсда олиб қолиш жараёни энг аввал мия пўстида идрок қилинаётган нарсалар-буюм, сурат, сўз, фикр ва ҳоказоларнинг «излари» ҳосил бўлишидан ва айни вақтда эсда олиб қолинадиган материал билан кишида мавжуд билим ва тажриба ўртасида, эсда қоладиган материалнинг айрим қисмлари ёки элементлари ўртасида боғланиш вужудга келишидан иборатдир.

Эсда олиб қолишнинг икки тури мавжуд: ассосиатив ва мантиқан эсда қолдириш. Бир вақтда ва бир жойда бирин-кетин идрок қилинган икки ёки бир қанча нарса ва ҳодисаларнинг образлари ўртасида мияда ҳосил бўладиган боғланиш ассосиатив боғланиш ёки ассосиация дейилади.

Масалан, бирорта ашулани эшитиб туриб, айна замонда шу ашулани айтаётган одамнинг ўзини ҳам кўрсак, шу ашулани идрок қилиш ўртасида ёндош ассосиация ҳосил бўлади. Ассоциациянинг ёндошлик ассоциациясидан ташқари ўхшашлик, қарама-қаршилиқ турлари ҳам мавжуд.

Маъносига тушуниб ёки мантиқан эсда олиб қолиш жараёнида асосий ўринда фикрлаш жараёнлари туради. Эсда қолдирилаётган материалнинг айрим қисмлари ва элементлари ўртасидаги маъно ва мантиқий боғланишларни фикр юритиш йўли билан очилади. Маъно боғланишларни очиш бирорта нарсанинг образини оддий эсда олиб қолиш эмас, балки нарса ва ҳодисаларга хос бўлган энг муҳим ва зарурий боғланишларни очиш демакдир, бир гуруҳ доирасига кирган нарса ва ҳодисаларнинг умумий ва муҳим белгилари, улар ўртасидаги сабаб ва натижа боғланишларини аниқлаш демакдир.

Ўтмишда идрок қилинган нарсаларнинг ҳис-туйғу, фикр ва иш ҳаракатларнинг онгимизга қайтадан тикланиши эсга тушириш дейилади. Эсга туширишнинг нерв-физиологик асоси бош мия пўстида илгари ҳосил бўлган нерв боғланишларнинг қўзғалишидир.

Кишининг бутун ҳаёти унинг олдига ҳамиша жиддий ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалар ва муаммоларни қўяди. Бундай муаммоларнинг, қийинчиликларнинг, тасодиқларнинг юзага келиши атрофимиздаги воқеликда ҳали жуда кўп номаълум, тушуниб бўлмайдиган, кутилмаган, яширин нарсалар борлигидан далолат беради. Демак, оламни чуқурроқ ўрганиб, унда одамлар ва нарсаларнинг тобора янги-янги жараёнларини, хусусиятларини ва ўзаро муносабатларини очиш лозим. Тафаккур шунинг учун ҳам зарурки, ҳаёт ва фаолият давомида ҳар бир индивид нарсаларнинг қандайдир янги, илгари маълум бўлмаган хусусиятларига дуч келади. Ўтмишдаги билимларимизнинг камлиги билиниб қолади. Коинот чексиз бўлганидек, уни билиш жараёни ҳам чексиздир. Тафаккур ҳамиша ҳали билиб олинмаган, янгиликнинг ана шундай чексиз чуқур жиҳатларига қаратилган бўлади.

Тафаккур-жиддий равишда янгиликни қидириш ва очишга боғлиқ, алоқадор психик жараёндир, унинг таҳлили ва синтези жараёнида воқеликни бавосита ва умумлаштириб акс эттириш жараёнидир. Тафаккур амалий фаолият асосида ҳиссий билишлардан пайдо бўлади ва ҳиссий билиш чегарасидан анча ташқарига чиқиб кетади.

Тафаккур-бу предмет ва ҳодисаларнинг умумий хусусиятларини акс эттириш, улар ўртасидаги қонуний алоқалар ҳамда муносабатларни топиш жараёнидир. Бошқача қилиб айтганда, тафаккур-бу борликни умумлаштирилган ҳолда ва бевосита акс эттиришдир. Тафаккур-инсон ақлий фаолиятининг юксак шаклидир. Исталган ихтиёрий фаолият, у хоҳ ўқув, хоҳ ишлаб чиқариш фаолияти бўлсин, унинг натижаларини олдиндан кўришни албатта талаб қилади. Бироқ олдиндан кўриш учун далилларни умумлаштириш ва шу умумлашмалар асосида худди шунга ўхшаш бошқа далилларга ҳам тадбиқ этиш мумкин бўлган хулосалар чиқариш керак бўлади. Бу иккиёқлама ёндашиш яккадан умумийга, умумийдан яккага-тафаккур орқали амалга оширилади. Воқелик тафаккурда идрок ва тасаввурлардагига қараганда чуқурроқ ва тўлароқ акс этади. Нарса ваҳодисалар ўртасидаги энг муҳим боғланишлар ва муносабатлар тафаккур ёрдами билан очилади. Бинобарин, тафаккур инсоннинг шундай ақлий фаолиятидирки, бу фаолият воқеликни энг аниқ (тўғри), тўлиқ, чуқур ва умумлаштириб акс эттиришга (билишга), инсоннинг тағин ҳам оқилона амалий фаолият билан шуғулланишига имкон беради.

Билиш фаолият сезиш ва идрок қилишдан бошланади ва кейин тафаккурга ўтиб кетиши мумкин. Бироқ истаган тафаккур, ҳатто энг ривожланган тафаккур ҳам ҳамиша ҳиссий билиш билан, яъни сезги, идрок ва тасаввурлар билан боғланган бўлади. Тафаккур фаолияти ўзининг бутун «материалини» фақат битта манбадан, яъни ҳиссий билишдан олади. Тафаккур сезгилар ва идрок қилиш жараёнлари орқали ташқи олам билан бевосита боғланади ҳамда шу тариқа оламни акс эттиради. Бу акс

эттиришнинг тўғрилиги (адекватлиги) амалий фаолият орқли табиат ва жамиятни амалий ўзгартириш жараёнида узлуксиз текширилиб турилади.

Бош мия пўстининг бирон бир соҳаси эмас, балки бош миянинг бутун пўсти бажараётган фаолият тафаккурнинг нерв-физиологик негизидир. Анализаторларнинг мияга бориб туташган учлари ўртасида вужудга келадиган мураккаб ва муваққат боғланишлар тафаккур қилиш учун биринчи галда аҳамиятга эга. Тафаккурни йўналтириб турадиган асосий нерв-физиологик негиз шундай йўл кўрсатиб турувчи рефлексдирки, бу рефлекс тафаккур қилиш жараёнларида катта рол ўйнайди. Тафаккур қилиш жараёни бирор психик элементларнинг шунчаки бир-бири билан алмашилиши тарзида воқе бўлмасдан, балки алоҳида ақлий операциялар-биз идрок қилаётган ёки тасаввур қилаётган нарсалар устида, умумийлашган ва амалда тушунчаларга эга бўлган объектлар устида ақлий ҳаракатлар қилиш тарзида воқе бўлади.

Таққослаш, аналиш ва синтез, абстракция ва умумийлаштириш, конкретлаштириш, классификация (тасниф) ва система (тизим)га солиш ақлий операцияларнинг асосий турларидир.

Таққослаш - шундай бир ақлий операциядирки, бу операция айрим нарсалар ўртасидаги ўхшашликни ёки тафовутни, тенглик ёки тенгсизлик борлигини, бир хиллик ёки қарама-қаршилик борлигини аниқлашда ифодаланади. Амалий таққослаш бир нарсани иккинчи нарсага солиштириб кўрилади, масалан, бир қаламни иккинчи қаламга, ўлчов чизиғини тахтага ва кабиларга солиштириб кўрилади, содир бўлади. Таққослаш тасаввур қилинаётган ёки қилинган нарсаларни бир-бирига фикран солиштириб кўриш йўли билан ҳал бўлади.

Анализ - нарсани таркибий элементларга, қисмларга ёки таркибий белгиларга бўлиш демакдир. Анализнинг қисмларга унинг элементларига бўлган муносабати аниқланади. Психологияни ўрганиш вақтимизда ҳар бир психик жараёни бир-бири билан таққослабгина қолмасдан, балки, шу билан бирга, анализ ҳам қиламиз. Ўқиш машғулоти вақтида тафаккурнинг анализ

қилиш фаолияти катта ўрин тутди. Чунончи, савод ўргатиш одатда нутқни анализ қилишдан: гапни сўзларга, сўзларни бўғинларга, бўғинларни товушларга ажратишдан бошланади.

Синтез - анализнинг акси ёки тескараси бўлган тафаккур жараёнидир. Бунда таркибий қисмлар ягона бир бутунга бирлашади. Анализ ва синтез бир-бири билан чамбарчас боғлангандир, чунки фикр жараёнининг айрим босқичларида биринчи ўринга анализ ёки синтез чиқади. Синтез элементларнинг, нарс ва ҳодисаларнинг қисмларини бир бутун қилиб қўйишдан иборатдир, амалий анализ бўлгани сингари амалий синтез ҳам бўлади.

Абстракция - шундай бир фикрлаш жараёнидирки, бунда тафаккурда акс этилаётган бир ёки бир неча объектларнинг бирор белгиси (хусусияти, ҳаракати, ҳолати, муносабати) шу объект ёки объектлардан фикран ажратиб олинади. Бу жараёнда объектдан ажратилган бир белгининг ўзи тафаккурнинг мустақил объекти бўлиб қолади. Абстракция одатда анализ жараёни ёки анализ натижасида содир бўлади. Абстракция умумлаштириш билан боғлиқдир.

Умумлаштириш - предметлар ва ҳодисаларни уларнинг умумий ва асосий томонларини ажратиб кўрсатиш асосида бир-бирлари билан фикран бирлаштиришдир.

Классификация - кўп нарсаларни, ҳолатларни, кечинмаларни гуруҳларга бўлиш. Масалан тиббиётда касалликларнинг классификациялари мавжуд: сил касаллиги, захм, юқумли касалликлар. Анатомия фанида суяклар классификацияси алоҳида ўрганилади.

Тушунча - бу предмет ва ҳодисалардаги умумий ва муҳим хусусиятлар ҳамда сифатларнинг киши онгида акс этишидир. Тушунчанинг икки тури бор: бири-конкрет тушунча, иккинчиси-абстракт тушунча.

Муҳокама-бирор нарс, ҳодиса ҳақида бирор нимани тасдиқлаш ёки инкор қилиш демакдир.

Хулоса чиқариш - тафаккурнинг тарихан таркиб топган мантикий шаклидир. Тафаккурнинг шу мантикий шакли воситаси билан бир ёки бир неча маълум ҳукмлардан янги ҳукм-хулоса чиқарилади.

Фикрий қобилиятлар ҳақида гапирганда кўпинча бу тушунча остида (ақл) кўзда тутилади. Ақл олинган билимларни, тажрибани ва уларни янада бойитишга ва ақлий фаолиятда фойдаланишга бўлган қобилиятни ўз ичига олади. Кишининг ақлий фазилатлари унинг ҳажми билан белгиланади. Тафаккур ақлнинг фаол функцияси бўлиб, мантиқ қонунлари асосида такомиллашиб боради. Тафаккур амалдаги ақлдир. Тафаккурнинг жараёнидаги тушуниш бошқа бир кишининг оғзаки ва ёзма нутқини идрок қилиш ва уқиб олиш жараёнида содир бўлади. Нутқни тинглаётганимизда ёки бирор ёзма матнни ўқиётганимизда, одатда биз ўзимиз эшитаётган ёки ўқиётган сўз бирикмаларини тўғри идрок қилишга интиламиз.

Айрим кишиларнинг тафаккури ўзининг мазмундорлиги, чуқурлиги ва кенглиги жиҳатидан, мустақиллиги, самарадорлиги ва тезлиги жиҳатидан турли ҳолларда турлича намоён бўлади. Булар тафаккурнинг сифатини ташкил қилувчи белгилардир.


Кишининг тафаккур фаолияти учун унинг фақат ҳиссий билиши билан ўзаро боғлиқлигигина муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмай, балки тил билан, нутқ билан ўзаро боғлиқлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда инсон психикаси билан ҳайвон психикаси ўртасидаги принципал фарқлардан бири намоён бўлади.

Фақат нутқ пайдо бўлгач, билинаётган объектдан маълум бир хусусиятни ажратиб олиб, уни махсус сўз ёрдамида тасаввурда ёки тушунчада мустаҳкамлаш, қайд қилиш имконияти туғилади. Тафаккур сўзда ўзининг зарурий моддий қобилиятига эга бўлади, тафаккур фақат сўз орқали бошқалар учун ва ўзимиз учун ҳам бевосита реалликка айланади. Инсон тафаккурини, у қандай шаклда амалга оширмасин, тилсиз амалга ошириб бўлмайди. Ҳар қандай фикр нутқ билан чамбарчас боғлиқ ҳолда пайдо бўлади ва ривожланади. У ёки бу фикр қанчалик чуқур ва асосли суратда

ўйланган бўлса, у сўзларда, оғзаки ва ёзма нутқда шунчалик аниқ ҳамда яққол ифодаланган бўлади. Ва, аксинча, қандайдир фикрнинг сўз орқали фиодаланиши қанчалик кўп такомиллаштирилган, сайқалланган бўлса, шу фикрнинг ўзи шунчалик яққол ва тушунарли бўлади.

Болалар амалий ва кўргазмали-хиссий тажрибалари асосида уларнинг мактаб ёшидаги даврларида шакладги мавҳум тафаккур, яъни мавҳум тушунчалар шаклидаги тафаккур ривожланади. Тафаккур бу ерда фақат амалий ҳаракатлар тарзида ва кўргазмали образ шаклида эмас, балки аввал мавҳум тушунчалар ва муҳокамалар шаклида намоён бўлади.

Мактаб ўқувчиларининг турли фанлар-математика, физика, тарих асосларини ўзлаштиришлари давомида тушунчаларни эгаллашлари уларнинг ақлий тараққиётлари учун катта аҳамиятга эгадир. Математика, география, физика, биология ва бошқа кўплаб тушунчаларни мактаб таълими давомида таркиб топтириш ва ўзлаштириш жуда кўп тадқиқотларнинг предметини ташкил этади. Бу ишларда тушунчаларнинг хусусан қайси белгилари, қандай изчилликда, қандай шароитларда ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши батафсил қараб чиқилади. Мактаб таълимининг охирига келиб, болаларда маълум даражада тушунчалар системаси таркиб топади.



Ҳар хил одамларда тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари энг аввало уларда фикрлаш фаолиятининг ҳар хил ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи турлари ҳамда шакллари турлича нисбатда таркиб топгани учун юзага келади. Тафаккурнинг индивидуал хусусиятларига билиш фаолиятининг мустақиллик, эпчиллик, фикрнинг тезлиги каби бошқа сифатлари киради.

Тафаккурнинг мустақиллиги даставвал янги масала, янги муаммони кўра билиш ва кўя билишда, ундан сўнг эса уларни ўз кучи билан еча билишда намоён бўлади. Тафаккурнинг ижодий характери мана шундай мустақилликда ёрқин ифодаланади.

Тафаккурнинг ўзгарувчанлиги шундан иборатки, масалани ечишнинг бошда белгиланган йўли (плани) чиқиб аца-секин юзага чиқадиган ва аввалдан ҳисобга олиб бўлмаган муаммо шартларини қаноатлантирмаса, ана шу йўлни ўзгартира олишдан иборатдир.

Фикрнинг тезлиги хусусан шундай ҳолларда керак бўладики, баъзан (масалан, жанг пайтида, авария пайтида) кишидан бирор қарорни жуда қисқа муддат ичида қабул қилиш талаб қилинади. Фикрнинг тезлиги мактаб ўқувчиларига ҳам керакдир.

Тафаккурнинг юқорида кўрсатилган барча сифатлари унинг асосий сифати ёки белгиси билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳар қандай тафаккурнинг энг муҳим белгиси, унинг айрим индивидуал хусусиятлардан қатъий назар муҳим томонларини ажратиб, мустақил равишда тобора янги умумлаштиришларга кела билишдан иборатдир. Киши ўйлаётган пайтда, бу ўйнинг ҳатто жуда ёрқин, қизиқ, янги ва ғавқулдда бўлишига қарамай, бирор нарса ёки ҳодисаларни шархлаш билан чекланмайди. Тафаккур мазкур ҳодисанинг моҳиятига чуқур кирган ва ташқи жиҳатдан бир-биридан фарқ қилишидан қатъий назар, озми ёки кўпми бир хил ҳодисаларни барчасининг умумий тараққиёт қонунини кашф этган ҳолда зарур равишда олдинга қараб боради.

Нутқ-бу оғзаки коммуникация, яъни тил ёрдамида муносабат қилиш жараёни демакдир. Ижтимоий тажрибада бирон-бир моҳиятни англатадиган

сўзлар оғзаки коммуникация воситаси ҳисобланади. Сўзлар эшиттириб ё овоз чиқармасдан айтилиши, ёзиб қуйилиши, ёки кар-соков кишиларда бирон-бир мохиятга эга бўлган имо-ишоралар билан алмаштирилиши (буни ҳар бир ҳарф бармоқлар ҳаракати билан иода этиладиган дактилология ва имо-ишора бутун бир сўз ёки сўзлар туркумини англатадиган имо-ишорали нутқ деб аталади) мумкин.

Қуйидаги нутқ турлари фарқ қилинади: ёзма ва оғзаки нутқ. Ўз навбатида оғзаки нутқ диалогик ва монологик нутқларга ажратилади. Оғзаки нутқнинг энг содда тури диалог, яъни аллақандай масалаларни биргаликда муҳокама қилаётган ва ҳал этилаётган ҳамсуҳбатлар томонидан олиб бориладиган суҳбат ҳисобланади. Гапиришаётганларнинг бир-бирларига лўқмалари, суҳбатдошидан кейин ибораларни ва айрим сўзларни такрорлаш, саволлар бериш, қўшимчалар қилиш, изох бериш, факат сўзлашаётганлар тушунадиган шаъмалар қилиш, турли хил ёрдамчи сўзлар ва ундовлар сўзлашув нутқи учун хос хусусиятдир. Бу нутқнинг ўзига хос хусусиятлари кўп жихатдан ҳамсуҳбатларнинг ҳамжихатлиги даражасига, уларнинг узаро муносабатларига боғлиқ бўлади. Аксарият ҳамма жойда ҳам педагог оилавий муҳитдаги диалогни ҳеч қачон синфда ўқувчилар билан муносабатда бўлгани каби олиб бормайди. Сўзлашув чоғида ҳиссий ҳаяжонланиш даражаси катта аҳамиятга эга бўлади. Ийманган, хайратланган, қувонган, қўрққан, жаҳли чиққан киши хотиржам ҳолатидаги каби гапирмайди, ўзгача оҳангдагина гапириб қолмасдан, балки кўпинча бошқа сўзларни, ибораларни ишлатади.

Оғзаки нутқнинг иккинчи бир тури монологик нутқ бўлиб, уни битта киши бошқасига ёки уни тинглаётган кўплаб кишиларга қарата гапиради: бунга ўқитувчининг ҳикояси, ўқувчининг кенгайтирилган жавоби, доклад ва шу қабилар қиради. Монологик нутқ тузилиши жихатидан жуда ҳам мураккаб бўлиб, фикрнинг тугалланганлигини, грамматик қоидаларга анча қатъий амал қилинишини, монолог айтаётган кишининг баён этмоқчи бўлган фикрда қатъий мантиқ, диалогик ва изчиллик бўлишини тақозо этади. Монологик нутқни эгаллаш диалогик нутққа нисбатан катта қийинчиликлар

туғдиради, унинг кенгайтирилган шакллари онтогенезида (юзага кела бошлаганидан такомиллашувига қадар) кечикиброқ ривожланади, ўқувчиларда бу нутқни шакллантириш махсус вазифа ҳисобланади ва педагоглар уни таълимнинг қатор йиллари мобайнида бажаришларига тўғри келади. Қийналмасдан, бемалол суҳбатлаша оладиган, лекин олдиндан ёзилган текстдан фойдаланмасдан монологик характерга эга бўлган оғзаки ахборот (доклад, кенг маъруза ва шу кабилар) билан чиққишга қийналадиган катта ёшли одамлар ҳам учраб туриши тасодифий ҳол эмас. Кўпинча бу ўқитувчиларнинг ўқувчиларда монологик нутқни шакллантириш ишига эътибор бермаганликлари оқибати ҳисобланади.

Психологик адабиётларда қайд этилишига кўра, ёзма нутқ инсоният тарихида оғзаки нутқдан анча кейин пайдо бўлган. Улар бир-бирларидан макон ва замон билан ажралиб турувчи одамлар ўртасида муносабат қилиш эҳтиёжининг натижаси сифатида пайдо бўлган ва фикр шартли, схематик суратлар ёрдамида ифода этиладиган пайтлардаги пиктографиядан минглаб сўзлар бир неча ўнлаб ҳарфлар ёрдамида ифода этилаётган ҳозирги замон ёзувига қадар ривожланди.

Ёзув туфайли одамлар тўплаган тажрибани авлоддан авлодга энг яхши тарзда етказиш имкони туғилди. Негаки, оғзаки нутқ ёрдамида ўтказилган тақдирда у бузилиши, ўзгариб, хатто ва беиз йўқолиб кетиши мумкин эди. Ёзма нутқ фанда фойдаланиладиган мураккаб умумлашмаларнинг ривожлантирилишида, бадий тимсоллар (образлар) ни етказишда муҳим рол уйнайди. Болага таълим беришнинг дастлабки кунлариданок ривожлантирилиши мактабнинг энг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланадиган ёзув ва ўқув боланинг ақлий савиясини кенгайтиради ҳамда билимларни эгаллаш ва баён қилишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Ёзма нутқдан фойдаланиш мумкин қадар тўғри таъриф берилишига эришиш, логика ва грамматика қоидаларига қатъийроқ амал қилиш, мазмун ва фикрларни ифода этиш усули устида чуқурроқ мулоҳаза юритиш имкониятини яратади.

Кўпинча бирон бир нарсани ёзиб қўйиш-бу уни яхши англаб олиш ва эслаб қолишдир деб таъкидланади.

I.2. Хаёл жараёни ва хаёлнинг психологик тавсифи

Хаёл тафаккур сингари юсак даражада ривожланган билиш процесслари жумласидан булиб, у инсонларгагина хос жараёндир. Хаёл инсон фаолиятининг турли соҳаларида муҳим роль уйнайди. Чунки меҳнатнинг натижасини аниқ тасаввур қилмасдан туриб киши ишга киришмайди. Меҳнатнинг булажак натижасини хаёл ёрдамида олдиндан кура билиш эса инсон фаолиятининг хайвонлар инстинктив ҳаракатларидан туб фарқи булиб ҳисобланади. Хар қандай меҳнат жараёнида хаёл фаол иштирок этади. Хаёл айниқса бадиий, илмий, адабий, техник, конструкторлик фаолиятлари, умуман ижодий фаолиятнинг энг муҳим томони булиб ҳисобланади.

Хаёлнинг психик жараён сифатидаги биринчи ва асосий вазифаси меҳнатнинг бўлажак натижасини (масалан, столни тайёр ҳолатда) олдиндан кўра билиш билан бирга, унинг оралик маҳсулотларини (стулга керакли барча деталларни бирин-кетин яшаш) ҳам олдиндан аниқ тасаввур қила олишдан иборатдир. Бундан ташқари, хаёлнинг вазифаси ўзимиз бевосита кўрмаган, идрок қилмаган нарса ва ҳодисаларнинг образларини миямизда гавдалантиришдан ҳам иборатдир.

Хаёл деб биз илгари идрок қилмаган, тажрибамизда учратмаган нарса ва ҳодисаларнинг образларини мавжуд хотира тасаввурлари асосида миямизда яратишда ифодаланадиган фаолиятга айтилади. Турмушнинг муайян бир шароити, одамнинг билиш, амалий, ахлокий, эстетик ва бошқа эҳтиёжлари хаёл жараёнига сабаб бўлади. Маълумки, кишилар ўтмишда табиат бераётганига қаноат қилмай, уни ўзгартириш, қайта қуриш ва ундан кўпроқ нарсаларни ундириб олиш учун хаёл сурганлар. Натижада хаёлларида янги-янги меҳнат қуроллари образларини яратганлар, бу образлар асосида


эса ўша қуролнинг ўзини ясаганлар. Демак, дастлаб хаёл образлари табиатни ўзгартиршга эҳтиёж сезиш туфайли кишиларда пайдо бўлган.

Тафаккурга ўхшаб хаёл ҳам муаммоли вазият, яъни эҳтиёжларни қондириш учун янги-янги усуллар қидириш жараёнида вужудга келади. Бошқача айтганда, эҳтиёжни қондириш учун эҳтиёж сезаётган нарсани аниқ, равшан тасаввур қилиш лозим бўлади. Хаёл жараёни орқали борлиқни акс эттириш аниқ образлар шаклида, аниқ тасаввурлар шаклида бўлса, тафаккур жараёни орқали акс эттириш тушунчалар орқали бўлади. Кўпинча бирор эҳтиёжни қондириш учун қилинаётган фаолият жараёнида хаёл ва тафаккур баровар иштирок этади, яъни ҳар бир ҳаракат фикр юритиш орқали амалга оширилиши билан бирга, ҳаракат усуллари яққол тасаввур қилиб ҳам турилади.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳал қилиниши лозим бўлган нарса қанчалик ноаниқ, норавшан бўлса, хаёлниң роли шунча ортади ёки аксинча. Хаёлниң яна кимматли томони шундаки, етарли билимга эга бўлмасдан туриб ҳам муаммоли вазият пайтларида қарор қабул қилиши ва уни бажаришга йул топиши мумкин. Тафаккурда эса чўқур билимсиз муаммоли масалаларни ҳал қилиб бўлмайди.

Одатда турли соҳаларга оид ахборотларнинг етарли бўлмаслиги кишини хаёл суришга олиб келади. Агар у ҳамма нарсани билганда эди хаёл сурмас, фаол равишда хаёл образлари яратмас эди. Бизни ўраб олган оламда ўрганилмаган нарсалар қанчалик кўп бўлар экан, хаёл шунчалик инсон учун фойдали бўлиб қолаверади.

Хаёл яратган образларининг мазмуни жихатдан тасаввур хаёл ва ижодий хаёлга бўлинади.



Тасаввур хаёли деб хозир ёки ўтмишда бўлган бўлсада, лекин ҳали бизнинг тажрибамизда учрамаган ва биз идрок қилмаган нарса ва ходисалар тўғрисида тасаввур ва образлар яратишдан иборат бўлган хаёл турига айтилади.

Ўқувчилар билимларни ўзлаштиришда тасаввур хаёл образларидан кенг фойдаланадилар. Чунки ўқитувчининг тарих, география, адабиёт материалларини гапириб, тасвирлаб бериши асосида ўқувчилар у нарсаларнинг образларини кўз олдиларига келтирадилар ва ўзлаштирадилар.

Ижодий хаёл деб бизнинг тажрибамизда бўлмаган ва воқеликнинг ўзида ҳам учрамаган нарса ва ходисалар хақида тасаввур ва образлар яратишдан иборат бўлган хаёл турига айтилади. Ижодий хаёл туфайли санъат, адабиёт, техника соҳаларида янгиликлар яратилади. Чунки ижодий хаёл образлари тамоман янги, оригинал образлар бўлади.

Ижодий хаёлнинг ўзига хос хусусияти шундаки, аввало яратилаётган образ ҳақиқатда йўқ, бирон янги образ бўлади. Сўнгра жамиятнинг ёки шу кишининг эҳтиёжлари шу образнинг яратилишига кишини рағбатлантиради.

Ижодий хаёл сўзларда ва моддий нарсаларда гавдалантирилади. Орзу ва ширин хаёл суришлар ижодий хаёлнинг алохида турларидир.

Орзу ижодий хаёлнинг келажакка қаратилган фаолиятидир. Демак, у орқали истикбол образлари яратилади.

Хаёл ўзининг пайдо бўлишига кура ихтиёрсиз ва ихтиёрий бўлади.

Ихтиёрсиз хаёлда олдиндан белгиланган мақсад бўлмайди, унда ирода фаол иштирок этмайди, образлар уз-ўзидан пайдо бўлади.

Ихтиёрсиз хаёл аввало шу пайтда қондирилмаган эҳтиёж туфайли ҳосил бўлади. Масалан, киши чулу-биёбонда кетаётиб каттик чанкаса, унинг куз олдига водапровод, бўлок, арик сувларининг образи келаверади.

Ширин хаёл суриш ва орзу ҳам ихтиёрсиз вужудга келади. Кечаси ухлаб ётгандаги туш қуриш туфайли хилма-хил образларнинг куз олдимишга келиши ҳам ихтиёрсиз хаёл материалларидир.

Ихтиёрий хаёл суришда киши олдига қуйган мақсади асосида хаёл суриб, атайлаб образлар яратади. Масалан, ёзувчининг янги асар яратишида сурган хаёллари ихтиёрий хаёлдир. Умуман олганда, санъат асарларининг барчаси ихтиёрий хаёл натижасидир.

Ихтиёрий хаёл бировларнинг турткиси, топшириғи билан ҳам вужудга келиши мумкин.

Хаёл тасаввурлари хотира тасаввурларига асосланган ҳолдагина пайдо бўлади. Масалан, биз шу ерда сувлар, музлар, совуқларни қурмаганимизда, улар ҳақида тасаввурга эга бўлмаганимизда эди, шимолий муз океанини ҳам куз олдимишга келтира олмаган бўлар эдик.

Лекин хаёл тасаввурлари хотира тасаввурларининг куз олдимишда гавдаланишидангина иборат эмас, балки хотира тасаввурлари қайта ишланиб, мутлақо янги тасаввурлар вужудга келади.

Хаёлнинг синтез қилувчи фаолиятининг оддий шакли агглютинациядир. Агглютинация айрим элементларни ёки бир неча буюмларнинг қисмларини битта образ қилиб қўшиш ва шуларнинг комбинациясидир.

Хотира тасаввурларини қайта ишлаб хаёл образлари яратишда нарсаларни катталаштириш ёки кичрайтириш жараёнлари вужудга келади. Масалан, эртакларда айрим кишилар хаёл образлари туфайли буйи теракдай, корни бучкадай, белига кирк газ аркон етмайдиган қилиб тасвирланади.

Хаёл натижасида буюмнинг факат бир кисмини катталаштириш ёки кичрайтириш акцентировка деб айтилади. Бу кўпроқ карикатура асарларида учрайди.

Тип – индивидуал образдир, аммо бу образда бутун бир гуруҳ, синф, миллат кишиларининг энг характерли белгилари бирга кушилиб яхлит акс эттирилади.

Хаёлнинг яна бир характерли хусусияти шундаки, у узок-узокларга парвоз қила олади. Хаёл образлари орқали биз узок ўтмишга назар ташлаб, тарихий воқеаларни, тарихий шахсларни куз олдимизга келтиришимиз ёки келажакка назар ташлаб, уз бахтли келажакимизнинг образлари ва идеалларини яратишимиз мумкин.

Бу жараёнларнинг ҳаммаси нутқимиз ва тафаккуримиз билан бирга бўлади. Шунинг учун хаёл жараёнларида нутқ ва тафаккур катта роль уйнайди.

Хаёл образларининг вужудга келиши – бу инсон мияси фаолиятининг натижасидир. Хаёл ва бошка барча психик жараёнлар катта ярим шарлар пустининг фаолиятидир.

Хаёл кенглиги, мазмундорлиги, кучи ва реаллиги жихатдан кишиларда фарқ қилади. Хаёлнинг кенглиги воқеликнинг кишилар хаёл фаолияти учун объект бўладиган соҳалари доираси билан белгиланади. Алишер Навоий, Ҳамза Ҳакимзоданинг хаёли ана шундай кенг хаёлга мисолдир. Масалан, Ҳамза адабиётнинг турли соҳаларида унумли ижод қила олган. Чупон хаёти, пахтакорлар, богбонлар, ишчилар хаётидан асарлар ёзадиган ёзувчиларни ҳам кенг хаёлли деб айтишимиз мумкин.

Хаёлнинг мазмундорлиги бирор объектга нисбатан хаёлда тугилаётган тасаввурларнинг бойлиги, хилма-хиллиги ва маънодорлиги билан

белгиланади. Хаёлнинг кенглиги кўпинча мазмундорлик билан боглик бўлиб, кенг хаёл мазмундор ҳам бўлади.

Хаёл кучли ва кучсиз бўлади. Унинг кучи идрок образларига қанчалик якин туришига караб белгиланади.

Хаёл кучи хиссиётга боғлиқ бўлади. Кишининг хиссиёти қанчалик кучли, эхтиросли бўлса, хаёл образлари ҳам шунчалик кучли, ёркин ва жонли бўлади.

Хаёл образлари кишининг умумий ҳолатига ҳам боглик. Киши касал вақтида хаёл образлари кучлироқ, жонлироқ бўлади. Натижада галлюцинация юз беради. Галлюцинация аслида кучли хаёл образларидир.

Воқеликни тўғри акс эттирадиган хаёл реал хаёлдир, нотўғри акс эттирадиган хаёл хом хаёлдир.

Инсон фаолиятининг ҳамма турларида: уйинда, ўқишда, меҳнатда, фан ва ижодиётда хаёлнинг аҳамияти каттадир. Болаликдаги уйинлар – асосан, болалар фантазиясининг намоён бўлишидир. Болаларнинг ижодий уйинларида уларнинг организми камол топади ва мустахкамланади, акли, иродаси, маънавий ва эстетик хислари усади.

Хаёлнинг бўлиши инсоннинг ҳар қандай ишни ижодий бажаришга ёки бу ишга ижодкорлик элементларини киритишга имкон беради. Акс ҳолда меҳнатнинг ҳар бир тури илгари урганиб олинган усуллар ва ҳаракатларни шунчаки такрорлаш йули билангина бажарилиши мумкин. Одамнинг билиш фаолияти структурасида хаёл (фантазия) алоҳида ўрин тутади. Мана шу психик жараён туфайли одам хаё-лан қанча-қанча масофаларни босиб утиши, узок^ утмишни ва истиқболни тасаввур қилиши мумкин. Хаёл — бу предмет образини, вазиятни одамда илгари мавжуд бўлган тасаввурларни қайта тиклаш йўли билан яратиладиган психик-жараёндир.

Илмий тадқиқотларда ҳам хаёл катта роль уйнайди. Чунки турли илмий гипотезалар хаёл туфайли яратилади. Хаёл бўлмаганда эди кишлок хужалигида новаторлик, техникада изтирочилик ва санъатда янгиликлар яратиш мумкин бўлмаган бўлур эди. Албатта, реал ва ижодий хаёлгина инсон фаолиятида ана шундай ижобий роль уйнайди.

Одам сезги, идрок, тафаккур ёрдамида нарсаларнинг, жараён-ларнинг хусусиятлари ва алоқалари тўғрисидаги билимга эга бўлиб, уларнинг барини образлар, фикрлар тарзида хотирасида мустаҳкам сақлаб қолади. Худди мана шу хотирада сақланиб қолган тасаввурлар образи янги образларни хаёлда шакллантиришда — хаёлий образлар яратишда гўё бир қурилиш материали бўлиб хизмат қилади.

Хаёлни худди мустақил жараён сифатида қараб чиқиш расм бўлган. Бироқ, ҳозирги вақтда баъзи бир психологлар уни тафаккур билан тенглаштиришга мойил бўлсалар, бошқа бир хил психологлар уни тасаввур жараёни деб тушунтирмоқчи бўладилар.

Кўпинча хаёл тасаввур орқали пайдо бўлади ҳамда мазмунга тааллуқли бўлмайди, деб ҳисоблайдилар. Сўнгги вақтларда бу масалага яна ҳам бошқачароқ ёндошиб бошладилар. Хаёл — бу фақат образли мазмуннинггина эмас, балки шу билан бирга абстракт, мавҳум маънони ҳам англатувчи комбинациядир, деган таърифлар ҳам пайдо бўлди.

Хаёл тафаккур билан ёки тушунчалар билан ифодаланади, шунингдек хаёл абстракт — мавҳум материал негизида шаклланиши тўғрисидаги фикрлар ҳали экспериментлар ўтказиш йўли билан етарли даражада исбот қилиб берилган эмас. Шунинг учун мавзунини ўрганилаётганда мана шу санаб ўтилган нуқтаи назарларни эътиборга олиб қўйиш керак, лекин хаёл

тўғрисида аллақачон шаклланиб қолган қарашларни ўзгартиришга ҳозирча асос йук.

Хаёлий образлар яратиш усуллари		
<i>Агглютинация</i>	<i>Таъкидлаш</i>	<i>Типиклаштириш</i>
Ҳар қандай сифатлар, хусусиятлар, қисмлар, бир бутун бўлиб бирлашади. Шунинг учун ҳам бундай қўшилув натижасида ғоят ғалати, гоҳо реалликдан анча узоқ бўлган образлар пайдо бўлади.	Одам қандайдир бир қисмни ажратиб кўрсатади ва уни етакчи ўринга қўяди. Масалан, рассом ҳазил, карикатура, ўртоқлик шаржи чизадида, унда кишининг юзи, гавдаси, оёқ-қўлларини алоҳида ажратиб, бўрттириб тасвирлайди.	, энг мураккаб, деярли ижодий жараён билан ёнма-ён турувчи усул ҳисобланади. Рассом конкрет бир эпизодни тасвирлайди. Унда аллақанча ўшанга ўхшаш эпизодлар ўз аксини топган бўлади. Шундай қилиб, у чизган расм гўё шунга ўхшаган барча эпизодларнинг вакили сифатида намоён бўлади, чунки мазкур эпизодда барча типик ҳолатлар жамлангандир.

Психологларнинг тадқиқотлари хаёлий образлар яратишнинг бир қанча усуллари ажратиб кўрсатиш имконини беради. Булардан энг оддийси — *агглютинациядир*. Унинг моҳияти шундан иборатки, бунда ҳар қандай сифатлар, хусусиятлар, қисмлар, бир бутун бўлиб бирлашади. Шунинг учун ҳам бундай қўшилув натижасида ғоят ғалати, гоҳо реалликдан анча узоқ бўлган образлар пайдо бўлади. Масалан, стол билан

тўртта гилдиракни биргаликда тасаввур қилиб кўришга, яъни столни гилдиракларга ўрнатишда бизларга ҳеч нима халал бермайди". Рус халқ, эртакларидан бирида Емеля чанага айланиб қолган русча печканинг устида елиб боради, дейилади.

Образ яратишнинг яна бир усули *таъкидлаш* усулидир. Бундай усул давомида одам қандайдир бир қисмни ажратиб кўрсатади ва уни етакчи ўринга қўяди. Масалан, рассом ҳазил, карикатура, ўртоқлик шаржи чизадида, унда кишининг юзи, гавдаси, оёқ- қўлларини алоҳида ажратиб, бўрттириб тасвирлайди. Мана шу деталь асардаги асосий мазмунни ифода этади. Бошқача қилиб айтганда маъно юкини ташийди.

Учинчи усул — бу *типиклаштириш* усули бўлиб, энг мураккаб, деярли ижодий жараён билан ёнма-ён турувчи усул ҳисобланади. Рассом конкрет бир эпизодни тасвирлайди. Унда аллақанча ўшанга ўхшаш эпизодлар ўз аксини топган бўлади. Шундай қилиб, у чизган расм гўё шунга ўхшаган барча эпизодларнинг вакили сифатида намоён бўлади, чунки мазкур эпизодда барча типик ҳолатлар жамлангандир. Худди шунингдек, адабий образ дам шу тариқа шакллантирилади. Унда муайян даврда яшаган жуда кўп кишиларнинг типик белгилари бир ерга жамланади. Типиклаштириш жараёнида фақат одам образи ифодаланибгина қолмай, шу билан бирга у ҳаракат қилаётган шароит, вазият ҳам тасвирлаб берилади. Бошқача қилиб айтганда, персонаж, унинг ишлари ва у ҳаракат қилаётган шарт-шароитлар кўрсатиб берилади.

Хаёлда образ яратишнинг мана шу кўрсатиб ўтилган усуллари олдиндан белгилаб қўйилган вазифани бажаришда (масалан, рассом томонидан муайян бир мавзуда расм яратиш ёки ўқувчининг тарих, география дарсларида бажарган ишлари), шунингдек, олдиндан белгилаб қўйилмаган, аниқ, мақсадга қаратилмаган ишларда (дам олиш вақтида, тасодиқий вазиятларда ва қўйилмаган ҳолатларда образларнинг ўз-ўзидан пайдо бўлишида) фойдаланади.

Ижодий фаолият структурасида хаёл қилинаётган жойга алоҳида эътибор берилади. М. Беркинблит ва А. Петровский ҳақли равишда таъкидлаб ўтганларидек, тасаввур — бу мантикий тафаккурнинг «ВРИО» (временно исполняющим обязанности) («ВВБ» вазифани вақтинча бажарувчиси) ҳисобланади. Гап шундаки, тафаккур реал тарзда мавжуд бўлган алоқалар ва муносабатларнинг моҳиятини очишга йуналтирилган бўлади. Тафаккур пред-метлардан, воқеа-ҳодисалардан гўёки билимларни «элаб», «сузиб» олаётгандек бўлади. Ахборотлар етарли бўлган ёки бундай ахборотларни турли мантикий операциялар бажариш йули билан қўлга киритиши мумкин бўлган тақдирдагина қатъий маънодаги мантикий фикрлашга имкон бўлади. Агар бундай ахборотлар кам бўлса, ҳозирча уларни топишнинг иложи бўлмаса, у ҳолда ижодий хаёл ёрдамга келади. У етишмаётган ахборотларни тақдим этади, унинг ёрдамида буш қолган звенолар тўлдирилади, фактлар системага солиниб, бир-бирига боғланади. Мазкур фактлар ва бутун система вақтинча хизмат қилади. Бундай фактлардан то тафаккур ёрдамида реал, ҳақиқатга мувофиқ келадиган фактлар ва улар ўртасидаги алоқалар топилмагунча фойдаланиб ту-рилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ижодий хаёлниң вақтинча мантикий тафаккур қилиш вазифасини бажариши инсон фаолиятининг барча соҳаларида ҳам бир хил кечавермайди. Масалан, илмий изланишларда унинг роли адабий ижоддагига қараганда бир оз камроқдир, чунки олим ёзувчига нисбатан кўпроқ даражада муайян фактларга, аниқ маълумотларга таяниб ишлайди. Худди шунингдек, педагогик фаолиятда ҳам ўқитувчи муайян фактларга таянади. Лекин бу фактлар ғоят даражада кам бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи кўп ҳолларда ижодий хаёлга таяниб иш кўради.

Ижодий хаёл инсоният фаолиятининг ўят мураккаб, қўп қиррали томони бўлган ижодкорликда алоҳида ўрин тутди. Ижодий иш хаёл билан бир каторда тафаккурнинг ҳам интенсив тарзда ишлаши зарурлигини тақозо этади. Шунингдек, у эмоционал таъсир остида олиб бориладиган иродавий сифатларнинг намоён этилишини ҳам тақозо қилади. Бироқ, ижодий иш

ёлгиз хаёлдан ёки фақат тафаккурдан ё бўлмаса ёлгиз ҳис-туйгудан иборат бўлиши мумкин эмас.

Шундай қилиб хаёл шахс онгининг бир қисми, билиш жараён-ларининг биридир. Хаёл орқали ташқи олам узига хос тарзда, такрорланмас ҳолатда акс этади, у бизнинг хулқ-атворимиз келгусида қандай бўлиши кераклигини программалаштириш имкониятини берибгина қолмай, шу билан бирга, у мазкур хулқ-атворимиз орқали амалга ошириладиган гипотетик шарт-шароитларни яратиш имконини ҳам беради.

I.3. Шахс хаёлининг индивидуал хусусиятлари ва имкониятлари

Дунёда хаёл сурмайдиган инсон камдан кам топилса керак. Қиладиган ишимиз, юритадиган фаолиятимиз мобайнида беихтиёр хаёлга мурожат қиламиз.

Аслида хаёл руҳий жараён бўлиб, у доимо инсонларнинг ҳаёти мобайнида алоҳида аҳамият касб этади. Хаёл туфайли инсон ўтмиш тарихини, шунингдек келажакни олдиндан тасаввур қила олади. Инсон қайси фаолиятга қўл урмасин ана шу фаолияти жараёни ва унинг натижасини аввало хаёлдан ўтказади. Хаёл ёрдамида келажак мақсадларини режалаштиради.

Шахс ўзининг хаёл хусусиятлари билан ҳам индивидуаллик касб этади. Хаёлнинг индивидуаллиги шахс хаёлининг шаклланиши, хаёлнинг бошқа психик жараёнлар билан боғланган бўлишида намоён бўлади. Таъкидлаб ўтилганидек, хаёл жараёни тафаккурдан фарқланади, аммо ҳар иккала жараён тараққиёт омили бўлиб, янгилик қидириб топишда намоён бўлади. Хаёл орқали воқеъликни олдиндан акс эттириш ёрқин тасаввурлар тарзида, тафаккур эса воситали тарзда тушунчалар билан ишлашда содир бўлади.

Жамият тараққиётида хаёлнинг ўрни беқиёс, инсон ҳар доим бирор бир нарсани кашф этишда аввало унинг образини хаёлан акс эттиради. Жумладан, самолётнинг самодаги парвози, поезднинг темир йўлдаги ҳаракати, машиналарнинг пайдо бўлишидан тортиб кундалик ҳаётда

қўлланиладиган барча буюмлар аввало инсоннинг хаёлот олами маҳсулидир. Бизнинг диёримизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз юртимизда яратилган тарихий обидалар, иншоотларнинг яратувчилари бўлганлар.

Хаёл шундай бир рухий жараёнки, у бевосита инсоннинг бош мия катта ярим шарлари пўстлоқ қисмининг функцияси ҳисобланади. Шу боис ҳар қандай хаёл суриш замирида инсоннинг у ёки бу эҳтиёжлари ётади.

Кишиларнинг хаёл суриш турлари хилма хил бўлиб, улар қуйидагилар ҳисобланади: актив хаёл, пассив хаёл, ширин хаёл, ижодий хаёл, қайта тикловчи хаёл ва бошқалар.

Хаёл яратган образларининг мазмуни жихатдан тасаввур хаёли ва ижодий хаёлга бўлинади. Тасаввур хаёли деб ҳозир ёки ўтмишда бўлган бўлсада, лекин ҳали бизнинг тажрибамизда учрамаган ва биз идрок қилмаган нарсалар ва ҳодисалар тўғрисида тасаввур ва образлар яратишдан иборат бўлган хаёл турига айтилади.

«Бу кўҳна тупроқда милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, ҳали-ҳануз ўзининг кўрк-у тароватини сақлаб келаётган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради. Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилганлиги ҳам бу фикрни тасдиқлайди».

Ушбу фикр, ҳалқимизнинг бой тажрибаси ва яратувчанлик қобилияти уларнинг хаёлий образлар яратиш амалиётга татбиқ этиш санъати азалдан мавжуд деган хулосани беради.

Айрим кишиларнинг ижодий хаёли анча ривожланган бўлади Ижодий хаёл шахснинг тажрибасида бўлмаган ва воқеяликнинг ўзида ҳам учрамаган нарсалар ва ҳодисалар ҳақида тасаввур ва образлар яратишдан иборат бўлган хаёл ҳисобланади. Кишилар ўзларининг ижодий хаёлининг хусусиятлари туфайли санъат, адабиёт, техника соҳаларида янгиликлар яратади. Чунки ижодий хаёл образлари тамоман янги, оригинал образлар бўлади.

Ижодий хаёлнинг ўзига хос хусусияти шундаки, аввало яратилаётган образ ҳақиқатда мавжуд бўлмаган, бирон янги образ бўлади. Сўнгра жамиятнинг ёки кишининг эҳтиёжлари ана шу образнинг яратилишига кишини рағбатлантиради. Ижодий хаёл сўзларда ва моддий нарсаларда гавдалантирилади. Орзу ва ширин хаёл суришлар ижодий хаёлнинг алоҳида турларидир.

Орзу ижодий хаёлнинг келажакка қаратилган фаолиятидир. Демак, у орқали истиқбол образлари яратилади.

Хаёл ўзининг пайдо бўлишига кўра ихтиёрсиз ва ихтиёрий бўлади.

Ихтиёрсиз хаёлда олдиндан белгиланган мақсад бўлмайди, унда ирода фаол иштирок этмайди, образлар ўз-ўзидан пайдо бўлади.


Ихтиёрсиз хаёл аввало шу пайтда қондирилмаган эҳтиёж туфайли ҳосил бўлади. Масалан, киши чўлу-биёбонда кетаётиб қаттиқ чанқаса, унинг кўз олдига водапровод, бўлоқ, ариққ сувларининг образи келаверади.

Ширин хаёл суриш ва орзу ҳам ихтиёрсиз вужудга келади. Кечаси ухлаб ётгандаги туш кўриш туфайли хилма-хил образларнинг кўз олдимишга келиши ҳам ихтиёрсиз хаёл материалларидир.

Ихтиёрий хаёл суришда киши олдига қўйган мақсади асосида хаёл суриб, атайлаб образлар яратади. Масалан, ёзувчининг янги асар яратишида сурган хаёллари ихтиёрий хаёлдир. Умуман олганда, санъат асарларининг барчаси ихтиёрий хаёл натижасидир.

Ихтиёрий хаёл бировларнинг турткиси, топшириғи билан ҳам вужудга келиши мумкин. Хаёл тасаввурлари хотира тасаввурларига асосланган ҳолдагина пайдо бўлади. Масалан, биз ҳаётимизда реал сувлар, музлар,

совуқларни кўрмаганимизда, улар ҳақида тасаввурга эга бўлмаганимизда эди, шимолий муз океанини ҳам кўз олдимизга келтира олмаган бўлар эдик. Шунингдек, инсон ҳаёли унинг орзу истаклари ва индивидуал хусусиятлари замирида муайян кўринишларда намоён бўлиши ҳам мумкин.



Жумладан: “Бой бўлиб бўлиб қолиш ҳаёли” да инсон катта бир хазина топиб олиши ёки тўсатдан катта меросга эга бўлиб қолиш ҳаёли билан яшайди. Бундай ҳаёл суриш моддий эҳтиёжларнинг юқори даражада эканлигидан далолат беради.

“Дунё бўйлаб саёҳат қилиш ҳаёли” га берилувчан кишилар кўпинча дунёнинг ўткинчилиги ҳақида ўйлайдилар, шу туфайли улар дунёни айланиб чиқиш каби истакни ўз ҳаёлларида тиклашга мойил бўладилар.

“Кўринмас киши бўлиб қолиш” ҳаёлида юрган кишилар кўпинча қизиқарли сирлардан воқиф бўлишни истайдиганлар тоифасига кириб, улар бундай истакларига кўринмай қолиш орқали эришишга интиладилар.

“Қаҳрамонлик кўрсатиш” ҳаёли - шахсий устунликни таъкидлашга қаратилган бўлади. Бундай ҳаёл сурадиган кишилар бирор воқеа ходиса рўй берганда шахсан ўзи қаҳрамонлик кўрсатиш истаги билан яшайдилар.

Умуман айтганда хаёл суришнинг шакллари хаёлот оламида ранг баранг бўлиб, у кишиларнинг таъсирчанлиги ва хаёлга бойлиги билан ажралиб туради. Кишиларнинг хаёлини фаоллиги ёки сустлиги билан ҳам фарқлаш мумкин.

Хаёлнинг яна бир характерли хусусияти шундаки, у узоқ-узоқларга парвоз қила олади. Хаёл образлари орқали биз узоқ ўтмишга назар ташлаб, тарихий воқеаларни, тарихий шахсларни кўз олдимизга келтиришимиз ёки келажакка назар ташлаб, ўз бахтли келажакимизнинг образлари ва идеалларини яратишимиз мумкин.

Хаёл кучи хиссиётга ҳам боғлиқ бўлади. Кишининг хиссиёти қанчалик кучли, эҳтиросли бўлса, хаёл образлари ҳам шунчалик кучли, ёркин ва жонли бўлади.

Хаёл образлари кишининг умумий ҳолатига ҳам боғлиқ ҳолда намоён бўлиши мумкин. Масалан, киши касал вақтида хаёл образлари кучлироқ, жонлироқ бўлади. Натижада галлюцинация юз беради. Галлюцинация аслида кучли хаёл образларидир.

Воқеликни тўғри акс эттирадиган хаёл реал хаёлдир, нотўғри акс эттирадиган хаёл хом хаёлдир.

Инсон фаолиятининг ҳамма турларида: ўйинда, ўқишда, меҳнатда, фан ва ижодиётда хаёлнинг аҳамияти каттадир. Болаликдаги ўйинлар – асосан, болалар фантазиясининг намоён бўлишидир. Болаларнинг ижодий ўйинларида уларнинг организми камол топади ва мустаҳкамланади, ақли, иродаси, маънавий ва эстетик ҳислари ўсади.

Инсон шахсининг қиммати кўп жиҳатдан хаёлнинг структурасига, мазкур шахсда хаёлнинг қайси тури устунлигига боғлиқ. Инсон хаёли қанчалик фаол бўлса, бу унинг тараққиёт даражаси шунчалик юксаклигидан далолат беради. Пассив ёки суст хаёл эса бунинг акси бўлиб, кўпинча у инсоннинг ҳаёт қийинчиликларидан ва муаммолар ечимидан қочиб, фантазия оламига кириб кетишини билдиради. Пассив хаёл реал воқеяликдан жуда ўзоқлашганликни ифодалаб, шахсдаги хаёлий мақсадларининг мавҳумлиги

билан характерланади. Пассив хаёл сурувчи кишилар кўпинча ширин хаёл оғушида қолиб кетадилар. Шу туфайли бундай кишиларда фаоллик кўрсатиш каби сифатлар меёрида ривожланмай қолади. Инсон шахс сифатида шаклланиб боргани сайин унинг хаёли ҳам ўзгара боради. Шунингдек, турли ёш даврларда инсон хаёли турлича намоён бўлади. Психолог олимларнинг таъкидлашларича энг кўп хаёлга бериладиган давр болалик ҳисобланади. Хаёл бола шахси нормал тараққиётининг муҳим шарти ҳисобланади. Шу боис бўлса керак ўзбек халқ эртақларида болалар хаёлини тарбиялаш мақсадида фантазияга алоҳида урғу берилади.

Бир сўз билан айтганда, хаёл онгимизнинг бир қисми бўлиб, у орқали ташқи олам ўзига хос тарзда такрорланмасдан акс этади. Бўларнинг ҳаммаси жамият тараққиётида хаёлнинг роли ниҳоятда катта эканлигини кўрсатади.

Одатда турли соҳаларга оид ахборотларнинг етарли бўлмагани кишини хаёл суришга олиб келади. Агар инсон ҳамма нарсани билганда эди хаёл сурмас, фаол равишда хаёл образлари яратмас эди. Бизни ўраб олган оламда ўрганилмаган нарсалар қанчалик кўп бўлар экан, хаёл шунчалик инсон учун фойдали бўлиб қолаверади.

Психолог олимлар томонидан шахснинг хаёл хусусиятларини ўрганиш мақсадида хилма хил методикалар яратилган. Қуйида ана шундай методикалардан бирини келтирамыз.

II-БОБ. ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ХАЁЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ДИАГНОСТИКАСИ ВА ПСИХОКОРРЕКЦИЯСИ МУАММОЛАРИ

II.1. Ўқувчиларининг хаёл хусусиятларини диагностика қилиш усули

Бошқа психик жараёнлар каби хаёл жараёни ҳам шахснинг билиш фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Шу туфайли ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришда уларнинг хаёлини ривожлантириш ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Маълумки, психологик тадқиқот талабларига мувофиқ ҳар қандай психик ходисаларни шакллантириш ки ривожлантиришдан аввал ана шу хусусиятнинг айни пайтда мазкур шахсда қандай ҳолатда мавжудлигини ташхис қилиш керак бўлади.

Шахснинг хаёл хусусиятларини диагностика қилишда хилма хил диагностик методикалардан фойдаланиш мумкин.

1 - т а ж р и б а

Тажриба мақсади: Тасаввур хаёли инсонда с'узларни, бир-бирига боғланиб келган текстни идрок қилиш асосида намоён бўлиши тўғриси-даги к.оидани таъкидлаш.

Тажриба материали: Бадий ва илмий матнлар.

«Жаладан кейинги дашт ям-яшил ўт-ўланларга беланди. Узоқ хавзадан бошлаб то Дон дарёсининг ўзигача осмонда эгри ёрқин камалак пайдо бўлди. Ғарбда узоқ-узоқлардан момақалдироқ овози ғира-шира зшитилди. Жарликка худди ўқдай отилиб лойқа ёмғир суви шариллаб туша бошлади. Кўпириб оқаётган кичик-кичик ариқчалар тепадан пастга қараб интилар, полизлар оша ўтиб, Дон дарёсига қўшилишга шошиларди. Ариқларда ёмғир узиб туширган барг-хазонлар, тупроғи ювилиб, илдизи очилиб қолган ўт-ўланлар, ёмғир қайириб синдирган жавдар бошлари оқиб борарди. Полизларга қум тўла лойқа сув оқиб келиб, тарвуз ва қовун палакларини босиб кетди; ариқлардан тошиб ҳар томонга ўзиини уриб бетартиб оқаётган сув ҳатто қозиқларни ҳам суғуриб оқизиб кетарди. Бу ердан анча нарида яшин тегиб ўт олиб кетган хашак ғарами ёниб тамом бўлаётгани кўриниб турарди. Ундан чиқаётган қуюқ тутун кўкка ўралаб,

осмон бўйлаб ёйилган камалакнинг деярли энг баланд жойига етиб бораётгандек бўлиб туюларди».

«Одамларнинг объектив ижтимоий муносабатлари негизда тараққий этган муносабатларнинг ижтимоий усуллари объектив тарзда мустақил бўлиб, улар одамнинг табиатга таъсир кўрсатишини ҳамда индивидларнинг ўзини ҳам ривожлантириш, муттасил такомиллаштириб бориш учун имкониятлар очиб беради. Муносабат усуллари, одамларнинг бир-ёирлари билан алоқа қилиш усуллари қанчалик кенг ривожланиб борса, ахборотларга эга бўлиш, мазмунлилик, таъсирчанлик нуқтаи назаридан бу муносабатлар қанчалик юқори бўлса, одамнинг табиатга таъсири ҳамда унинг одам фаолияти жараёнини билишга бўлган таъсири шунчалик. активрок. бўла боради».

Тажрибанинг бориши: Синалувчи кишиларга иккита текст уқиб берилади. Уларнинг вазифаси — қўнт билан тинглаш ва мазмунни англаб олиш. Сўнгра келтирилган текстларнинг хусусиятларини анализ қилиб чиқиш ва қуйидаги саволларга жавоб топиш лозим: текст мазмунни тасаввур қилиш характериға таъсир курсатадими? Агар шундай бўлса, бу нима билан боғлиқ бўлади? Мазкур мисолда ҳаёлнинг қандай тури келтирилган?

2- т а ж р и б а

Тажриба мақсади: Тасаввур ҳаёлининг схема, чизмалар негизда кенгайиб боришиға ишонч ҳосил қилиш.


Тажриба материали: Турли предметларнинг тасвири.

Тажрибанинг бориши: Синалувчи кишиларға чизмаларни кўриб чиқиш таклиф қилинади ҳамда такдим этилган предметларни истаган катталиқда 5—7 минут мобайнида олд томонидан чизиб бериш таклиф қилинади (1-расм).

Ишни бажариб бўлганларидан кейин синалувчи кишилар қуйидаги саволларға жавоб беришлари керак: режада нима тасвирланган? Сиз ўз чизган расмингизда нимани акс эттирдингиз? Расм чизиш учун сизға дастлабки материаллар етарли бўлдими? Расмда, режанинг ҳамма деталлари

ҳисобга олиними? Мазкур ҳолатда намоён бўлган хаёл турининг асосий белгилари нималардан иборат?

Мана шу ики тажриба асосида ққ.уйидаги хулосага келинади: тасаввур хаёли қандайдир бир дастлабки материал (матн, чизма, схема, белги) асосида кенгайиб боради; у мавжуд материал чегарасидан ташқарига чиқмайди;



1-расм.

образларнинг аниқлиги ва ёрқинлиги одамнинг билимига, уни ўз хотирасига келтириб ишга солиш маҳоратига, ўз олида турган масала ва ўз билимини нечоғлик татбиқ эта олишига боғлиқ бўлади; билимларни ўзлаштириш жараёнида тасаввур - хаёли муҳим ўрин тутди.

3- т а ж р и б а

Мақсад: Сўз орқали ифодаланган ижодий хаёлнинг баъзи бир хусусиятларини аниқлаш.

Материал: Тугалланмаган матнлар.

Тажрибанинг бориши: Синалувчи кишилар ҳикоянинг бошланиш қисмини тинглайдилар.

«Қош қорайди. Ёмгир зерикарли даражада майдалаб ёға бошлади. Трамвай бекатида бир соябон остида икки қиз туришарди. Улар алланималар ҳақида секин-секин пичирлашиб гаплашардилар. Шу пайт бирдан...» Ушбу ҳикояни давом эттириш ва охири нима билан якунланишини ўйлаб топиш зарур. Бу иш учун 10 минут вақт берилади. Иш тугалланганидан кейин айрим

ҳикояларнинг қандай ёзилганига баҳо бериб ўтиш фойдали бўлади. Баҳо меъёри сифатида қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланмоқ, лозим: ҳикоянинг тугалланганлиги, образларнинг ёрқин ва оригинал эканлиги, сюжетнинг одатдан ташқари йуналишда бурилиши, яқуннинг қутилмаган ҳолда қизиқарли бўлиши — булар ҳикояга баҳо-бериш шартлари ҳисобланади.

4- та ж р и б а

Мақсад: Ижодий ҳаёлнинг хусусиятларини кузатиш.

Материал: Қуйидаги айрим сўзлар: калит, шляпа, қайиқ, кабинет, йул, ёмгир.

Таҷрибанинг бориши: Синалувчи кишилар мана шу (сўзларни ёзиб оладилар-да, улардан фойдаланган ҳолда мантиқан боғлиқ сўзлар тузиб ҳикоя ёзадилар.

5- та ж р и б а

Мақсад: Кургазмали вазият билан боғлиқ, булган ижодий ҳаёлнинг баъзи бир характеристикасини аниқлаш.

Материал: Суратлар орқали (27—32- расмлар) ифодаланган ҳикоя тўғрисидаги плакат (ёки китоб).

Таҷрибанинг бориши: Плакат доскага осиб қўйилади. Агар ҳикоя китобга жойлаштирилган бўлса, у ҳолда ҳар бир киши бирор-та кўрсатилган саҳифани ўзига олиб иш бошлайди. Синалувчи кишилар энг охири расмда нимани тасвирлашлари мумкинлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишлари керак.

Жавоблар сўз орқали ифодалаб берилиши ҳам ёки расм орқали чизиб кўрсатилиши ҳам мумкин.


6- та ж р и б а

Мақсад: Ижодий ҳаёл хусусиятларини аниқлаш.

Таҷрибанинг бориши: Синалувчи кишиларга дафтарда диаметр 2 см булган доира чизиш таклиф этилади. Сўнгра унга истаганча чизиқлар, белгилар қўшиб, предметнинг тугал бир маъно англатадиган расминини ҳосил қилиш буюрилади.

Иш тамом бўлгандан кейин баъзи бир расмлар намойиш этилади.

Сўнгра яна худди шундай дрира чизиш, доиранинг ўнг ва чап томонларига биттадан чизиқ чизиш таклиф этилади. Бу дастлабки



2-расм

материал бўлади. Бу шаклга истаган миқдорда чизиқлар чизиб чиқиш ва предметнинг тасвирини ҳосил қилиш. топширилади.

Барча топшириқлар бажарилгач, синалувчи кишиларга шундай савол билан мурожаат қилинади: қайси вариантда масала осонроқ ҳал этилади ва нима учун шундай?

Масалан, кишиларни хаёл суриш хусусиятларига кўра “реалистик” хаёл сурувчилар ва “фантастик” хаёл сурувчиларга ажратиш мумкин. Ушбу хусусиятни аниқлаш мақсадида “Шахс хаёли типини аниқлаш” усулини қўллаш мумкин. Ушбу методика 13 та саволдан иборат бўлиб, ҳар бир саволга иккитадан жавоб варианты келтирилган. Синалувчилар келтирилган жавоб вариантларидан бирини танлаши керак бўлади.

“Шахс хаёли типини аниқлаш” усулини қўллашда **Синалувчига қуйидагича кўрсатма берилади:** “Ҳар биримиз хаёлимизда қандайдир воқеа юз беришини кутиб яшаймиз. Аммо ўзлари саргузашт қидириб юрувчилар ҳам бор. Хўш, сиз саргузаштсевар, таваккал қилишга қодирмисиз? Буни билмоқ истасангиз, қуйидаги тест саволларига холис жавоб беринг.”

Тест саволномаси таркибига қуйидаги саволлар киритилган:

1. а) тез-тез хизмат сафарлари бўладиган ишни ёқтираман;
б) бир жойда ўтириб ишлаш менга маъқул.
2. а) совуқ ҳаводан жонланиб кетаман;
б) совуқда ҳаёлим фақат уйга қандай етиб олишда бўлади.
3. а) эртага ҳеч ким билмайдиган, беқарор даврда яшагим келади;
б) ҳар бир киши ҳимояланган, келажаги аниқ жамиятда яшаш завқли.
4. а) баъзан тезлик билан кетаётган машинада сайр қилгим келади;
б) катта тезликдаги машиналарда ўтиришдан қўрқаман.
5. а) шартнома асосида, ишбай ҳақ тўланадиган ишни маъқул кўраман;
б) аниқ, барқарор, маълум маошга эга иш мен учун афзал.
6. а) менинг фикримга қўшилмасликлари менда кўпроқ рағбат уйғотади;
б) фикримга қаршилик қилганлар билан баҳслашиб ўтиришга тоқатим йўқ.
7. а) гипноз таъсирида бўлиб қолишни ҳис этгим келади;
б) мени гипнозлашларини истамайман.
8. а) ҳаётда берилган бор неъматлардан тотиб кўриш керак;
б) ҳаётдаги асосий мақсадим-тинчлик ва бахт.
9. а) денгиз ё бўлмаса совуқ сувли ҳовўзга ўзимни бирдан ташлайман;
б) совуқ сувга секинлик билан кираман.
10. а) янги, оригинал қўшиқларни эшитгим келади;
б) замонавий мусиқани ёқтираман.
11. а) зерикарли бўлиб қолишдан ёмони йўқ;
б) энг катта камчилик - қўполлик ва тарбиясизликдир.
12. а) ҳис-туйғуга бой инсонларни ёқтираман, гарчи улар аниқ мувозанатга эга бўлмасалар-да;
б) хотиржам инсонларни ёқтираман.
13. а) мотостикл ҳайдаб кўриш истагидаман;

б) мотостиклга ҳатто ўтириб ҳам кўрмасдим.

Тест натижаларини таҳлил қилишда синалувчилар томонидан берилган «а» ва «б» жавоблар нисбати асос қилиб олинади.

Агар «а» жавобларининг сони «б» жавоблариникига нисбатан кўп бўлса: Саргузаштга бой воқеаларга дуч келишга бўлган қизиқишингиз жуда кучли. Асабларингизни қитиклаб қўйувчи ҳодисалар иштирокчиси бўлишга интилиб, турли саргузаштнамо воқеаларга аралашиб юрасиз. Ҳаракатларингизни олдиндан ўйлаб кўрмаслигингиз ҳам шу қизиқишларингиз туфайли бўлса керак. Аммо эҳтиёткорроқ бўлишни ҳам унутманг. Амалга оширмакчи бўлган қарорларингизни олдиндан ўйлаб кўринг. Ахир таваккалчилик ҳамиша ҳам омад келтиравермайди-ку.

«б» жавобларининг сони «а» жавоблариникига нисбатан кўп бўлса: Ўзингизда баъзан саргузашт ва турли антиқа воқеаларга нисбатан бўладиган қизиқишни вақтида жиловлай оласиз. Кўпроқ реал вақейликка мос келадиган нарсалар ҳақида ҳаёл суриш сиз учун афзалроқ. Ҳаёлпараст, ўзининг орзу истаклари рўёбга чиқишига ишонадиган кишилар сиз учун ғалати кўринади. Тўғри, сиз янгиликларга ўчсиз, аммо совуққонлик ҳамда мулоҳазакорлик билан иш тутасиз. Баъзан ички сезгингизга ҳам ишонинг, таваккал босилган қадам ҳам ютуқлар келтириши мумкин.

Ушбу методикадан фойдаланиб тадқиқот ўтказишдан аввал биз амалиётни ўташ жараёнида икки гуруҳ ўқувчиларининг дарс жараёнидаги иштироки, фикрлаши, умумий билимдонлиги ва ҳаёлининг хусусиятлари тўғрисида кузатиш методидан фойдаланиб маълумотлар тўпладик.

Тадқиқот мақсадида “Ҳаёл хусусиятларини аниқлаш усули” тести ёрдамида Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат кўрсатиш касб-хунара коллежининг 2-босқич талабаларидан 46 нафарида тажрибалар олиб бордик ва коллеж ўқувчилари ҳаёлининг индивидуал хусусиятлари юзасидан тегишли маълумотлар олдик.

**Коллеж ўқувчиларининг “Хаёл хусусиятларини аниқлаш усули” тести
бўйича кўрсаткичлар**


№	Синалувчилар	“а” жавобдар сони	“б” жавоблар сони	Хаёл типи
1	2	3	4	5
1	Ж.М	3	10	Реалистик
2	М.М.	6	7	Реалистик
3	Х.М.	7	6	Фантастик
4	И.К.	8	6	Фантастик
5	С.М.	3	10	Реалистик
6	Қ.П.	3	10	Реалистик
7	В.Б.	5	8	Реалистик
8	Т.М.	9	4	Фантастик
9	С.Р.	7	6	Фантастик
10	У.Н.	5	8	Реалистик
11	С.Л.	6	7	Реалистик
12	Л.Ш.	8	5	Фантастик
13	О.Р.	4	9	Реалистик
14	С.З.	6	7	Реалистик
15	Я.А.	7	6	Фантастик
16	П.А	5	8	Реалистик
17	К.В.	4	9	Реалистик
18	Д.М.	5	8	Реалистик
19	Ш.О.	6	7	Реалистик
20	Т.П.	8	5	Фантастик
21	В.Н.	5	8	Реалистик
22	Г.Ш.	6	7	Реалистик
23	И.Т.	3	10	Реалистик

24	М.О.	4	9	Реалистик
25	Ш.А.	5	8	Реалистик
26	Ф.М.	3	10	Реалистик
27	В.М.	5	8	Реалистик
28	Р.М.	6	7	Реалистик
29	С.Т.	5	8	Реалистик
30	К.П.	6	7	Реалистик
31	Т.С.	4	9	Реалистик
32	Х.Х.	5	8	Реалистик
33	Ш.Л.	6	7	Реалистик
34	В.Л.	7	6	Фантастик
35	Т.Д.	2	11	Реалистик
36	Ж.Ш.	1	12	Реалистик
37	Б.С.	3	10	Реалистик
38	Б.Н.	5	8	Реалистик
39	З.Г.	6	7	Реалистик
40	Х.Ж.	3	10	Реалистик
41	З.Ш.	7	6	Фантастик
42	А.Н.	3	10	Реалистик
43	Э.Н.	5	8	Реалистик
44	Х.Х.	4	9	Реалистик
45	Ў.А.	3	10	Реалистик
46	Т.Д.	2	10	Реалистик
	Жами:	<i>Реалистик – 37</i> <i>Фантастик – 9</i>		

Жадвал кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, “а” вариант жавоблари кўпчилик ўқувчиларда “б” вариант жавобларига нисбатан кўпроқ экан. Бу эса коллеж ўқувчиларининг хаёли саргузаштларга бой бўлиши билан бирга реал

воқеъликлар юзасидан ҳам хаёл суришлар хос эканлиги ва бошқа жиҳатлари билан ажралиб туради.

Натижаларни калит асосида текшириб кўрсаткичларни график ҳолда ифодалашга ҳаракат қилдик.



II.2. Ўқувчиларининг тафаккур хусусиятлари диагностикаси

Тадқиқотимизда ўқувчилар ҳаёлининг тафаккур билан боғлиқлигини ўрганиш мақсадида Дж.Равеннинг «Прогрессив матрицалари»дан фойдаландик.

Дж.Равеннинг «Прогрессив матрицалари» 1936 йилларда вужудга келган бўлиб, унда ҳар бирида 12 та топшириқдан иборат 5 серияли топшириқлар мужассамлаштирилган. Тест тўпламлари тўғри бурчак шаклидаги матрицалардан ташкил топган бўлиб, мантиқий яхлитлик, маълум қонуният ва қоидалар асосида тузилган ҳар хил шакл ва шакллар тўпламидан иборат. Хусусан, шаклнинг қандайдир бир қисмида етишмовчилик мавжуд бўлган расм ва тасвирлар берилганки, текширилувчи мантиқий жиҳатдан таҳлил қилиб, матрица тагида келтирилган 1 дан 6 ёки 1 дан 8 гача рақамланган шакллардан бирини мос ўринга қўйиши лозим бўлади.

Ҳар бир серия енгил топшириқлардан бошланиб, кейинчалик мураккаблашиб боради. Бу ҳолат А сериядан бошланиб, Е серияда янада мураккаброқ кўриниш олади.

Дж.Равен фикрича, бу тест қобилиятни текширишда маълум шаклларни идрок этишни, уларнинг хусусиятларини камраб олиш лозимлиги ҳамда муносабатлар йиғиндисига асосланганлиги туфайли ҳар бир топшириқни бажариш маълум мантиқий мулоҳазалашни талаб этади.^[31]

Матрицанинг перцептив шкаласи иккита назарияга таянади:

а) Гештальт психологияда ривожланувчи шаклларни идрок этиш назарияси;

б) К.Спирменнинг неогенез назарияси.

Топшириқларни ечишда унга асосий психик жараёнлар иштирок этади:

1)диққат, эътиборлилик (диққат идрок ва тафаккур доирасидан ажратилади);

2)перцепция-идрок, идрок этувчанлик;

3)тафаккур, тушунувчанлик.

Диққат-эътиборлилик орасида фарқли томонлар мавжудки, кўпчилик диққатни онгнинг тўпланганлиги, бошқалар эса перцепциянинг асосий омили сифатида қарайдилар.





Топшириқларни ечиш вақтида диққатда зўриқиш пайдо бўлади. Шундай бўлса-да текширилувчининг топшириқларни ечишдаги қизиқувчанлиги бу ҳолатнинг анча енгиллашишига олиб келади. Топшириқларни бажариш шароитида диққатни тўплашни ва уни тақсимлашни талаб этадиган ҳолатлар кўп учрайди. Бу ерда диққатдан ташқари ирода ва эмоциянинг ҳам аҳамияти кўзга ташланади.

Шу сабабали ҳам Дж.Равеннинг «Прогрессив матрицалари» «умумий интеллектни» текширувчи тест эмас, балки интеллектуал фаолиятни режали, тизимлашган қобилиятлар эканлигини текширишга қаратилган.



Методика мантиқий тафаккурни аниқлашга мўлжалланган. Дж.Равен методикаси новербал тафаккурни прогноз қилувчи методикалардан бири ҳисобланади. Методика алоҳида тарзда ҳамда бошқа методикалар қаторида қўлланилиши мумкин. Тажриба индивидуал ёки гуруҳий тарзда ўтказилади. Синалувчида позитив реакцияни вужудга келтиради. Синалучига турли бир

бири билан маълум қонуният асосида боғланган шакллар тасвирланган картинкалар тақдим этилади.



Тест топшириқларидан намуналар келтирамиз:



1-топшириқ



17- топширик



28-топширик

Тест топшириқлари мураккаблик даражасига қараб фарқланади. Тест топшириқлари соддадан мураккаблашиб боради. Тест топшириқларини бажариш бўйича синалувчига қуйидагича кўрсатма берилади: «Юқорида тасвирланган шаклда бир элемент етишмайди. Пастда келтирилган 6 ёки 8 та

шакллар ичида расмда етишмайдиган шакл келтирилган. Сизнинг вазифангиз бир-бирлари билан боғланган шакллар ўртасида яширинган қонуниятни топиб, белгиланган шакл рақамини жавоблар варақасидаги тегишли катакка белгилашдан иборат».

Дж.Равен тести натижаларини баҳолаш мезони

Баллик баҳо	9	8	7	6	5	4	3	2	1
Тўғри жавоблар учун очколар суммаси	143	129-142	115-128	101-114	87-100	73-86	59-72	45-58	44

- 1) 143-129 оралиғида балл тўпланган синалувчиларнинг IQ-жуда юқори;
- 2) 128-115 оралиғидаги синалувчиларнинг IQ-юқори;
- 3) 114-59 оралиғида балл тўплаган синалувчиларнинг IQ-ўртача;
- 4) 58-44 оралиғида балл тўплаган синалувчиларнинг IQ-паст;
- 5) 43 дан паст балл тўплаганларнинг IQ-жуда паст.

Биринчи методика бўйича тадқиқотларимизда қатнашган синалувчилар Дж.Равен тести бўйича тажрибаларимизда ҳам иштирок этдилар ва муайян натижаларга эришдилар.

2.2.1-жадвал

Дж.Равен тести бўйича синалувчиларнинг натижалари


№	Синалувчилар	Умумий балл	IQ-жуда юқори	IQ-юқори	IQ-ўртача	IQ-паст	IQ-жуда паст
1	Ж.М	115		+			
2	М.М.	93			+		
3	Х.М.	120		+			
4	И.К.	68			+		
5	С.М.	78			+		
6	Қ.П.	103			+		

7	В.Б.	65			+		
8	Т.М.	86			+		
9	С.Р.	113			+		
10	У.Н.	94			+		
11	С.Л.	130	+				
12	Л.Ш.	118		+			
13	О.Р.	126		+			
14	С.З.	52				+	
15	Я.А.	53				+	
16	П.А	42					+
17	К.В.	70			+		
18	Д.М.	121		+			
19	Ш.О.	59			+		
20	Т.П.	40					+
21	В.Н.	60			+		
22	Г.Ш.	65			+		
23	И.Т.	136	+				
24	М.О.	80			+		
25	Ш.А.	73			+		
26	Ф.М.	128		+			
27	В.М.	59			+		
28	Р.М.	46				+	
29	С.Т.	49				+	
30	К.П.	111			+		
31	Т.С.	83			+		
32	Х.Х.	120		+			
33	Ш.Л.	57					
34	В.Л.	70			+		
35	Т.Д.	114			+		

36	Ж.Ш.	123		+			
37	Б.С.	58				+	
38	Б.Н.	130	+				
39	З.Г.	76			+		
40	Х.Ж.	136	+				
41	З.Ш.	49				+	
42	А.Н.	55				+	
43	Э.Н.	132	+				
44	Х.Х.	116		+			
45	Ў.А.	75			+		
46	Т.Д.	50				+	
Жами:			5	9	20	8	2
%			11%	20%	43%	17%	9%

Жадвалдан кўришиб турибдики, синалувчилар ушбу тест бўйича ҳам турли натижаларни қўлга киритдилар.

Дж.Равен тести бўйича синалувчиларнинг кўрсаткичларини фоиз ҳисобида гистограммада кўргазмали ҳолатда келтирамыз.





II.3. Ўқувчиларни ҳаёли ва тафаккурини ривожлантиришнинг психологик воситаларини қўллаш

Битирув малакавий иш юзасидан ўтказилган тадқиқотларимиз ўқувчилар ҳаёли ва тафаккури таълим фаолияти жараёнида ривожланиши аммо бу тараққиёт ҳар доим ҳам шахснинг ҳаёт фаолияти талабларига мос келавермаслиги маълум бўлди. Шу туфайли шахснинг ҳаёл ва тафаккур хусусиятларини ривожлантиришга хизмат қилувчи психологик воситалар ва уларни қўллаш бўйича фикрларимизни баён этишни лозим топдик.


1-машғулот

Тасвирий тасаввурлар машқи


Муаммони ечишнинг энг мақбул йўли уни қоғозда ифодалаш орқали ҳал этишдир. Қуйида келтирилган расмлардаги шаклларни қоғоздан қўл узмаган ҳолда чизишга ҳаракат қилинг.



- Ушбу шаклдан нечта учбурчакни топа оласиз?



- Ўргатилган сичқон лабиринт орқали ўз емагини олиши керак. Ҳар бир бурилиш сичқонни емишига етишига имкон беради. Қуйидаги лабиринтда сичқоннинг пишлоқни олиш имконини берувчи нечта йўналиши ифодаланган?



2-машғулот


"Хаёлга толиш" (эмоцияни бошқариш учун ўйин)

Саёҳатчи столга ўтиради ва диққат билан картани ўрганади. У саёҳат режасини ўйлайди. Ифодаланиши лозим бўлган ҳаракатлар: чап қўли тирсаги столга суянган ва бошини ушлаб турибди, ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғи тасаввурдаги карта устида ҳаракатланаяпти. Мимика: енгил қисилган кўзлар, пастки лаби тишланган.

Минорачаларни яса


Болаларга олдиндан тайёрлаб қўйилган ҳар хил ўлчамдаги таёқчалар берилади. Таёқчаларни картондан ясаш мумкин. Бола ушбу таёқчалардан шакллар ва миноралар ясаши керак.

Намуна:



3-машғулот.

5-рақами бор фигураларни бўйб чиқинг. Қандай расм ҳосил бўлганини айтинг.



4-машғулот

"Ғапни тўлдир" (одамовиликни енгиш учун машғулот)

Бола қуйидаги гапларни тўлдириши керак:

Менхоҳлайман.

Менқила олман.


Мен бажара оламан.

Мен Эриша оламан.


Боладан жавобларни шарҳлаб беришни сўраш мумкин.

5-машғулот

6 рақамини рангли қаламда бўянг ва қандай тасвир экс этганлигини айтинг.












**6-машғулот**

Расмнинг иккинчи қисмини чизинг.




7-машғулот

Нукталарни бирлаштириб чиқинг.



8-машғулот

Расмнинг иккинчи қисмини чизинг.






9-машғулот

7 сонини бўяб чиқинг ва қандай тасвир акс этганлигини айтинг.

1	2	2	6	4	3
6	4	3			
5	2	7	7	7	7
2	7	7	7	3	
7	1	7	7	7	6
5	7	7	7	7	
4	4	3	2	1	6
5	6				
2	4	1	3	5	
4		2			
5	3	2	3	1	4

10-машғулот

Нукталарни бирлаштириб чиқинг.



11-машғулот

Сизнингча машина қайси томонга қараб ҳаракатланиши мумкин?

- Тошкент шаҳридаги ҳайвонот боғида юз бош ва йигирма оёқ бор?
Ҳайвонот боғида нечта ҳайвон ва нечта қушлар бор?

- Учта миссионер ва учта канибал қайиқ ёрдамида дарёнинг бир қирғоғидан иккинчисига ўтишлари лозим. Миссеонерлар эҳтиёт бўлишлари керакки, канибаллар бирор қирғоқда сони ортиқча бўлиб қолмаслиги керак. Уларнинг барчаси қандай қилиб бир қирғоқдан иккинчисига ўтиб оладилар?

- «Ташла» номли ўйинда уч киши танга ташлашяптилар. Ўйин шартига кўра ютқизган одам ғолибларга олдинги ютуқнинг икки баробарича ҳақ тўлаши керак. Уч маротаба ўйин бўлди. Ҳар бир ўйинчи бир маротабадан ютуққа эришди. Ютуқлар эса икки баробар ошган эди. Ўйин охирида ҳаммалари ўттиз олти доллардан олганлари маълум бўлди. Улар қандай миқдордаги пул билан ўйинни бошлаганлар?

12-машғулот

- Янги-Гвения-Папуа оролида беш юз аёл яшайди. Улардан олти фоизи битта кулоқда зирак тақадилар. Қолган тўқсон тўрт фоиз аёлларнинг ярми икки қўлоғига зирак тақади. Қолган қисми эса зирак тақмайди. Оролда яшайдиган нечта аёл зирак тақади?

- Ҳалим билан Салим кафега киришди. Ҳалим ўзига кофе, Салим эса сут буюртма берди. Сўнгра Ҳалим билан Салим таъбларига кўра ичимлик тайёрлаш учун куйидагича иш тутдилар. Дастлаб Ҳалим Салимнинг пиёласидаги сутдан бир қошиқ олиб ўзининг кофесига аралаштирди. Сўнгра Салим ҳам Ҳалимнинг пиёласидаги аралашмадан бир қошиқ олиб ўзининг пиёласига солди ва аралаштирди. Айтингчи, сутдаги кофе кўпми ёки кофедаги сутми ёки бир хил тенгликдами?

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Инсон ҳамма соҳаларда бирор мақсадга эришиш мақсадида ўзи учун маъқул бўлган йўл, усул воситалардан фойдаланиб зарур фаолиятни амалга оширади. Демак, аввал мақсад пайдо бўлса шунга мувофиқ мавжуд имкониятларга суянган ҳолдаги фаолият келиб чиқади. Ёш авлодни илмли, маърифатли шахс сифатида камол топтиришда унинг хаёл ва тафаккур хусусиятларининг ривожланганлиги етакчи куч ҳисобланади. Ўқитувчи ёшларга замон талабларига жавоб берувчи билимларни бериши жараёнида уларнинг билиш жараёнлари, хусусан хаёл ва тафаккур хусусиятлари ивожланиши масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Ўқувчиларга етарли билим бериш, ҳаётий кўникмаларни ошириш ва малакаларни шакллантириш, ижодий ва дўстона муҳитни ярата олиш учун ўқувчилар тафаккури, дунёқараши хаёл ва тасаввурлари юксак даражада ривожланган бўлиши лозим.

Хаёлнинг аҳамияти ҳақида сўз борар экан куйидаги амалий тавсияларни таклиф этамиз:

- Теран хаёл воқеъликни юзага келтиради, сиз албатта керакли ва муҳим бўлган нарсалар ҳақида хаёл суринг;
- Бемаъни хаёл бемаънилиқни туғдиради, шу сабабли сиз кўпроқ амалга оширишни режа қилган нарсалар ҳақида хаёл суринг ва унинг амалга ошишини хаёлан кўзатинг;
- Фантазия энг қимматбаҳо ҳислат, демак сиз ўз фаолиятингиз юзасидан ёки бошқа нарсани кашф қилсангиз албатта уни амалда синаб кўринг;
- Хаёлнинг поёни йўқ, тафаккур ҳал эта олмаган муаммо мавжуд эмас, шундай экан иккала жараённи ўзингизда уйғунлаштиришга ғаракат қилинг;
- Тасаввур бу қалб кўзи. Демак, тафаккурингиз панд бериб қолганда, сиз тасаввур орқали ўз фикрингизни баён этишингиз мумкин.


Адабиётлар

1. Каримов И. Юкса маънавият-енгилмас куч. Тошкент., «Маънавият», 2008. -30б.
 2. Ғозиев Э. Умумий психология. 2-китоб. Тошкент., 2002, 200-203 б.
 3. Иванов П.И., Зуфарова М.Е. Умумий психология. Тошкент., 2008. 170-172 б.
-
1. Каримов И.А. Юксак маънавият энгилмас куч. Тошкент: «Маънавият» 2008.
 2. Реан А.А., Бордовская Н.В., Розум С.И. Психология и педагогика. Санкт- Петербург: «Питер» 2001.
 3. Дружинина В.Н. Психология.- Санкт- Петербург: «Питер»,2002.
 4. Маклаков А.Г. Общая психология.- Санкт- Петербург: «Питер»,2003.
 5. Гамезо М.В., Петрова Е.А., Орлова Л.М. Возрастная и педагогическая психология. Москва:. Педагогическая общество России. 2005.
 6. Боймуродов Н. Раҳбар психологияси. Тошкент: «Янги аср авлоди» 2007.
 7. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги Республика таълим Маркази, ЮНИСЕФ-болалар жамғармаси. Глобал таълим орқали дўстона муносабатдаги ўқув мухити сари. Тошкент-2005.
 8. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги Республика таълим Маркази, ЮНИСЕФ-болалар жамғармаси. Педагогик технология асослари. Тошкент-2005.
 9. Зокиров И., Маннопова И. Методист фаолиятини ташкил этиш асослари. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 2006.

ИЛОВАЛАР



73- расм.



38- расм.


7-тажриба

Мақсад. Кулгили карикатура — расмлар чизиб образлар яратиш усулларини аниқлаш.

Материал. Турли ҳолатларда бажарилган бир неча карикатура расм (35—39-расмлар).



35-расм.



36-расм.

: **Тажрибанинг бориши.** Синалувчи кишилар ҳар бир расмни кўздан кечириб, у ёки бу образ қандай бадний воситалар ёрдамида этилганини анализ қиладилар.



Дж.Равен тести калити ва баллик баҳо

№	Тўғри жавоб	Балл	№	Тўғри жавоб	Балл
1	5	1	16	1	6
2	2	3	17	6	6
3	3	1	18	2	5
4	2	5	19	4	5
5	3	3	20	7	7
6	4	5	21	6	7
7	6	2	22	4	8
8	2	3	23	2	6
9	3	5	24	6	7
10	6	4	25	6	4
11	3	6	26	2	7
12	5	6	27	5	8
13	2	4	28	4	7
14	8	7	29	6	8
15	4	3	30	5	6